



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan e-mail: uzas@mcs.uz 2013 yil 13 sentabr • №37 (4228)

БАРКАМОЛ АВЛОД — ЭЛ-ЮРТ БАХТИ

Соғлом одам табиатнинг бебаҳо асаридир. Саломатлик йўқ жойда фароғат ҳам, ҳаловат ҳам бўлмайди. Аслида соғлиқ нафақат ундан баҳраманд киши, балки ён-атрофдагилар учун ҳам буюк неъмат. Ана шу неъматни асраб-авайлаш эса ҳар бир инсон тиббий маданиятнинг қай даражада шаклланишига боғлиқ. Шу бонс, аҳоли тиббий маданиятини ошириш, оналар ва болалар саломатлигини ҳимоялаш давлатимизнинг устувор вазифалардан бирига айланган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, тиббиёт фанлари доктори, профессор Зухра БОТИРОВА билан суҳбатимиз тиббиёт соҳасидаги бутунги ислохотлар жараёни ҳақида.

— Мустақилликнинг илк йиллари-даноқ мамлакатимизда бошқа соҳалар каби тиббиёт соҳасида ҳам бир қанча қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ана шу қонуний ҳужжатлар ижроси самараси ўлароқ бугун аҳолининг саломатлиги мустаҳкамланмоқда, ҳатто баъзи касалликлар бутунлай барҳам топмоқда. Уртача умр кўриш ёши ортмоқда. Бу ютуқларнинг моҳияти нимада, деб ўйлайсиз.

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг "Аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш ва унинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш масалаларини ўрганиш ҳақида"ги қонуни ва бир қанча қонуний ҳужжатлар мамлакатимизнинг барча ҳудудига аҳолига малакали хизмат кўрсатадиган соғлиқни сақлаш тизимини шакллантиришда муҳим омили бўлди. Соғлиқни сақлаш тизимидаги

ислохотларни барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар билан таққослайдиган бўлсак, тарозининг бир палласини босиб кетиши шубҳасиз.

Ватан учун яшашлик!

Президентимиз мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллигига бағишланган маърузасида таъкидлаганидек, ўтган йигирма йил мобайнида одамларнинг ўртача умр кўриши 66 ёшдан 73,5 ёшга, ошди. Гўдақлар ва оналар ўлими 3,4 баробарга қисқарди. Эътибор беринг-а, аҳолининг умри узайгани — бу одамларимизнинг ўз соғлигига эътибори кучайгани, яшашга иштиёқи ошаётгани, руҳиятида кўтаринки кайфият ҳукронлигидан далолатдир. Зеро, кайфияти яхши одам ҳамisha касалликни тез енгади, хасталикка кам чалинади. Яқинда кекса онахон етти ёшли неварасини ЖАР стадионидаги спорт тўғарагига олиб

бораётганининг гувоҳи бўлдим: "Онахон, болани спорт тўғарагига сиздан бошқа олиб борадиган одам йўқми", десам, "Нималар деяпсиз, синглим? Невараларимни спорт билан шуғуллантириш ташаббуси мендан чиққан. Уларнинг гимнастика билан шуғулланаётганини кўриб, очиги, завқим келади. Баъзида уларга кўшилиб пиёда юраман, доимо ҳаракатда бўламан. Шунинг учунми, кейинги пайларда камроқ касалликка чалинаётман. Энг муҳими, бир нарсани аниқ билдимки, спорт билан шуғулланиш инсонни нафақат соғлом қилади, балки ўзига бўлган ишончини ошириб, иродасини тоблайди", дея жавоб берди. Дарҳақиқат, аҳолининг соғлиги мустаҳкамланишида оммавий спортнинг аҳамияти катта. Зеро, юртимизда яратилаётган шарт-шароитлар, қўлайликлар одамларни ўз соғлигига бўлган эътиборини оширмоқда. Масалан, истиқлол йилларида скрининг, перинатал, шошилини ва ихтисослаштирилган тиббий марказлар каби бир пайтлар тасаввуримизга сиғдириш қийин бўлган янги тизимлар фаолияти йўлга қўйилди. Қолаверса, замонавий тиббий муассаса сифатида эътироф этилаётган бирламчи бўғин — қишлоқ врачлик пунктларининг сони 3200 тадан ошди. Бу ҳазилакам рақам эмас. Тасаввур қилинг, яқин-яқингача босқондан тобимиз қочса, кимга, қаерга муружаат этишни билмай оворая сарсон бўлардик.

Давоми иккинчи саҳифада.



ҲАЁТ ВА АДАБИЁТ ҲАМНАҲАС

Ҳофиз Шерозий «Эгам халққа бахш этса бахт, қарвонига йўл очгай» деб ёзган. Ҳақсевар халқимиз неча асрлардан бери пок ният билан рости йўлга интилаган, бу мураккаб, машаққатли довларда кўп нарса йўқотган, асл фарзандларидан айрилган эди.

— Раҳмат! Мустақил бўлдик. Эшитдингизми?
— Зўр бўпти. Энди Олимбой акангиз оқланадими?
— Албатта оқланади!
Бу сўзларни эшитиб опа йиғлаб юборди. Бу бир жиҳатдан қувонч, иккинчи томондан умид йиғиси эди. У кишининг турмуш ўртоғи 1962 йилдан бошлаб раҳбарлик лавозимларида ишлаб келган фидойи инсон, иқтисод фанлари номзоди Олимбой Примов 1986 йилнинг 25 нояб-ридан буён ҳибсда эди. Бу биргина мисол. Олимбой ака каби ноҳақ азоб-уқубатга солинган 26 минг хонадоннинг чироғи қайта ёнгани ҳазилакам гапми?!
Давоми иккинчи саҳифада.

Доп узқори

Шунинг учун заҳматқаш ва фидойи халқимиз учун энг улуғ, энг азиз кун — бу мамлакатимиз мустақиллиги эълон қилинган кун ҳисобланади. Бу буюк сана 1991 йилнинг 1 сентябридир.

Президентимиз республикамизнинг давлат мустақиллигини эълон қилган тарихий дақиқалар худди кечагидек кўз олдимизда. Олий Кенгаш сессияси ойнаи жаҳонда тўғридан-тўғри кўрсатилган учун бар-

ча халқ вакиллари юзидаги қувончи кўриб турардик. У ҳажонли онар ҳеч қачон эсимиздан чиқмайди. Ўшанда энг аввало, Берунийга кўнгироқ қилдим. Трубканида «Лаббай!» деган шикаста овоз эшитилди.
— Ассалому алайкум, Хадича опа!
— Ваалайкум ассалом! Яхшимисиз, келин, ўғилчалар яхшими?

Давоми иккинчи саҳифада.

Одам савдосининг муҳиди оқибатларини ёшларга таъсирчан усулда кўрсатиб бериш, шу орқали уларни огоҳликка чақириб, қолаверса, бугунги тинч ва фаровон ҳаётимизнинг қадрига етишга чорлашда кино асарларининг аҳамияти катта. Ана шундай мақсадларни дилига тўққан "Lola films" ва "D. Vision. Pro" "Тахидид", киностудиялари ижодкорлари муҳлисларга "Қадамлар" деб номланган янги бадиий филми тақдим этдилар. Абдуқайом

савдоси" деб номланган тубан чорраҳада кесишади. Қаҳрамонларнинг билиб-билмай ташлаган қадамлари боис ҳаёт бўстонидаги гулдек умрлари ҳазон бўлиши таъсирчан ва ҳаётий воқеалар орқали кўрсатиб берилган. Эътиборли жиҳати, филм муаллифлари ўзликини англаш, Ватанга муҳаббат сингари юксак туйғулар орқали одамларни огоҳ ва ҳушёр бўлишга даъват этади. Воқеалар якунида уфқ қаъридан янраган фикрлар томоша-

Тақдирот

ОГОҲЛИККА ЧОРЛОВ

Йўлдошев сценарийси асосида дебютант режиссёр Озод Шамсидинов суратга олган филм премьераси Алишер Навоий номидаги кино саройида бўлиб ўтди.

Филмда жиноятчиларнинг ширин ваъдасига учиб, оғир меҳнат шароитига тушиб қолган ёш йигитларнинг бошдан кечирганлари, шунингдек, чет элни ҳавас қилиб, алданиб қолган ва кейин афсус-надоматдан изтироб чеккан қизларнинг қисмати тасвирланади. Картина сюжети бир-бири билан боғлиқ уч йўналишда ривожланиб, уларнинг ҳар бири "одам

бинни ўйлашга чорлайди: "Мен ҳаётни пианинога ўхшатаман. Унда ҳам оқ ва қора чизиклар бор. Аммо шуниси муҳимки, уларни қандай чалиш инсоннинг ўзига боғлиқ".

Янги филмда Шоҳида Исмоилова, Муҳаббат Абдуллаева, Сайфиддин Мелиев каби тажрибали актёрлар билан биргаликда Феруза Норматова, Ширин Исмоилова, Акмал Назаров, Самиддин Лутфуллаев, Наврўз Жумаев, Дадаҳон Обидов сингари ёш ижодкорлар асосий ролларни ижро этишган.

Азиз МАТЌУБОВ



Филмдан ливаҳа.

ЎЗБЕКИСТОН ҲАРБИЙ САЊЪАТИ ТАРИХИ

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи тарихчилар Жаннат Исмоилова ва Лариса Левтеева муаллифлигида ўзбек, рус ва инглиз тилида тайёрланган албом-китобни нашрдан чиқарди. Китоб Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг инновацион тадқиқотлар лойиҳаси доирасида нашрга тайёрланган.

Юксак матбаа савиясида chop этилган ушбу китобда Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг қадимги даврлардан XIX асргача бўлган ҳарбий тарихи билан боғлиқ асосий воқеалар акс этган. Хужум ва мудофаа қуроллари, истеҳкомлар, турли тарихий даврлардаги ҳарбий стратегия ва тактика хусусиятлари, уларнинг эволюцияси тўғрисида қимматли маълумотлар келтирилган. Шунингдек, китобда ўзбек халқининг озодлик ҳамда мустақиллик учун кураш тарихига алоҳида эътибор берилган.

Ватанимиз истиқлолга эришган биринчи кунлардан бошлаб Президентимиз томонидан ҳар томонлама чуқур ишлаб чиқилган, дунё микросида тараққиётнинг ўзбек модели сифатида тан олинган стратегик йўналишнинг устувор йўналишларидан бирини юртимизда, минтақамизда тинчлик, барқарорлик, хавфсизликни сақлаш ва мустаҳкамлаш масаласи ташкил этади. Табиийки, шундай асосда узоқни кўзлаб олиб борилаётган изчил сиёсат минтақамизда тинчлик, барқарорликни асрашда муҳим рол ўйнамоқда. Юртбошимизнинг бевосита ташаббуси ва раҳбарлигида ташкил этилган Ўзбекистон Қуролли Кучлари тарихан қисқа давр — 22 йил давомида мамлакатимиз мустақиллиги, худудий яхлитлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги, демократик тараққиётнинг ишончли гаровига айланди.

Давоми олтинчи саҳифада.



Китобангазна ўқидим

"ОНАЖОНИМ — ШЕЪРИЯТ"

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида "Онажоним — шеърият" адабий тўғарагининг навбатдаги машғулотли бўлиб ўтди. "Ижод" жамоат фонди томонидан илк китоби chop этилган

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида

ёш ижодкорлар, талаба ва ўқувчилар қатнашган тўғарақда бугунги адабий жараён, ёшлар шеърияти ва таржимашуносликдаги ижодий жараёнлар муҳокама қилинди.

Таниқли ёзувчи Улғубек Ҳамдам шу мавзуда ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Тўғарақни Ёзувчилар уюшмаси раисининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари, халқ шоири Иқбол Мирзо олиб борди.

БУХОРО МАНЗАРАЛАРИ

Кўна Бухоро нодир мейморий ёдгорликлари, миниатюра мактаби, ноёб анъанавий хунармандчилиги ва тасвирий санъат асарлари билан шухрат қозонган.

Пойтахтимиздаги Тасвирий санъат галереясида очилган кўрғазмада бухоролик рассомлар Музаффар Абдуллаев, Зелимхон Саиджонов, Эркин Жўраев, Фарҳод Раззоқовларнинг рангтаъсирга оид асарлари намоиш этилмоқда. Бухоро педагогика институтининг бадиий графика йўналишида тахсил олган Музаффар Абдуллаев ижодиди шу ҳудуд тасвирий санъатининг турли йўналишлари ифодасини топган.

Зелимхон Саиджонов тасвирий санъатда ўз ижодий услубига эга рассом сифатида танилган. Унинг ижодий изланишлари Пикассо ижоди ҳамда Европанинг баъзи тасвирий санъат йўналишлари, шунингдек, ўзбек халқининг амалий-безак санъати катта таъсир кўрсатган.

Эркин Жўраевнинг дастхатида кўнгироқ театрининг катта таъсири бор. Рассом Бухоронинг ўтмиши ва бугуни, миллий урф-одат ва анъаналарини ёрқин бўёқларда меҳр билан тараннум этади.

Фарҳод Раззоқов полотнолари воқеа-ҳодисалар қизиқарли тасвирлангани билан бошқа ижодкорларнинг ишларидан ажралиб туради. Мулфилм қаҳрамонларини эслатувчи, фантастик қаҳрамон-

ларга ўхшаш қиёфалар ва ажойиб манзаралар томошабинларда катта таассурот қолдиради.

Кўрғазма Ўзбекистон тасвирий санъатининг бой ижодий имкониятларини намоиш этиб, анъана ва замонавийлик уйғунлашган Бухоро бадиий муҳитининг ўзига хос йўналишлари билан муҳлисларни таништиради.

Кўрғазма залларида



Алексея ПОНОМАНОВ олган сурат.

"СЕВИМЛИ ЎЛКАМ"

Тасвирий санъат галереясида Андрей Гречкин ва Ахмет Махмутовнинг "Севимли ўлкам" деб номланган кўрғазмаси очилди. Унда муаллифларнинг мойбўёқ ва пастел техникасида ишланган қирқдан ортиқ ишлари намоиш этилмоқда.

Болалигидан ногирон бўлган Андрейнинг ҳаёти тубдан ўзгаришида тасвирий санъатнинг ўрни катта. У ўрта мактабни тугатиб, Чирчиқ шаҳридаги Маданият уйи тасвирий санъат тўғарақда таҳсилни давом эттирди. Устозларидан бу санъатнинг сирларини

ўрганар экан, сурат чизиш бора-бора унинг энг сеvimли машғулотига айланди. Рассом манзараларни меҳр билан чизади ҳамда ёрқин бўёқлардан унумли фойдаланади. 2010 йили Урол Тансиқбоев уй-музейида, 2012 йили эса Ташкент Епархиал бошқармасида унинг шахсий кўрғазмаси бўлиб ўтган. Андрей ҳозирги кунда имконияти чекланган болаларга тасвирий санъатдан сабоқ бермоқда. А.Гречкиннинг "Менинг мактабим", "Тунги манзара" ҳамда шиддат билан югуриб келаётган отлар уюрига қиёсланган

"Оқ тўлқинлар" асарлари томошабинларга манзур бўлмоқда. Ахмет Махмутов пастел техникасида самарали ижод қилади. Ҳозирги кунда бу йўналишда ижод қиладиган рассомлар кўп эмас. Шу жиҳатдан А.Махмутов ишлари эътиборни тортади. Рассом суратдаги гою ва унинг ифодасини бўр ва гуаш уйғунлигида тасвирлаб, бу техниканинг нафислигини, афзалликларини кўрсатишга эришган. Унинг натюрмортларини томоша қилган одам турли-туман анъоний гулларнинг ажиб тароватини, ифориини хис этади.

Сарвара ҚОСИМОВА

Бошланиши биринчи саҳифада.

Агар ҳомиладор аёлни дард тутса-чи? Бир-икки кун олдин улов топиш, каерга олиб бориш муаммосини-ку, айтмай қўя қолайлик. Олдиндан ташхис қўйиш, ўз вақтида тиббий кўриқдан ўтказиш, фарзанднинг қачон дунёга келиши ҳақидаги маълумотларни билишнинг ҳам иложи йўқ эди. Фарзанд дунёга келгунча, унинг яқинлари жонини ҳовуқлаб ўтирарди.

Эндиликда нафақат ҳомиладор аёлларнинг кўз ёришини енгиллатиш, балки жаҳонда биринчилардан бўлиб аёллар саломатлигини янада мустаҳкамлаш учун дармон-дориларни бепул етказиб бериш амалиёти ҳам қўллана бошлади. Бундай хайрли ишлар учун жуда катта миқдорда маблағ ажратилмоқда.

қишлоқларимизнинг ўзида замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, малакали мутахассислар билан таъминланган қишлоқ врачлик пунктлари ишга туширилдики, улар халқимизнинг оғирини анча енгил қилмоқда.

— Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари томонидан 1998 йил ноябр ойида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида”ги Фармони билан 1999-2005 йилларга мўлжалланган Давлат дастури қабул қилинишидан кўзланган асосий мақсад ҳам мамлакатимизда тиббий хизматнинг ўзига хос миллий моделини шакллантириш, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, халқимизга жаҳон талаблари даражасида хизмат кўрсатишдан иборат. Аини пайтда биз мил-

ҳисобланади. Микронутриентлар танқислиги оналар ва болалар орасида касаллик ҳамда ўлимнинг ошиши, балоғат ёшидагилар ва ўсмирлар интеллектуал салоҳияти, катта ёшдаги кишиларнинг иш қобилияти пайишшини келтириб чиқаради. Шу боис, дунёнинг 60 га яқин мамлакатларида озик-овқат маҳсулотларини бойитиш тўғрисидаги қонунлар қабул қилинган. Маълумки, бугунда инсон саломатлиги учун муҳим бўлган витамин ва микроэлементлар мавжуд. Йил мобайнида бойитилган ун маҳсулотларини мунтазам истеъмол қилиш камқонликни камайтириши бугун мутахассислар томонидан аниқланган. Миллий дастур доирасида бу борада амалга оширилган кенг қўламли ишлар натижасида туғиш ёшидаги аёллар, оналар ва болалар касаллиги ва ўлимнинг пайиши қайд этилди.

чора-тадбирлар белгиланган. Зеро, ҳар қандай киши соғлом бўлсагина, турмушининг ободлиги, фаровонлиги ҳақида қайғуради.

— Дарҳақиқат, бугун халқимиз ўзининг дунёқараши, онгу тафаккури, меҳнатга, яшашга, ҳаётга бўлган муносабатлари билан кечаги одамлардан фарқ қилади. Шу маънода халқимизнинг тиббий савияси ҳам тобора ўсиб бормоқда. Жойларда ҳар ойда “Соғломлаштириш ҳафталиклари”, “Соғлом бола — соғлом она” лойиҳалари амалга оширилмоқда. Бундай лойиҳаларнинг мақсади ўсмир қизларнинг, аёлларнинг тўғри овқатланиши, гигиена ва камқонлик бўйича тавсиялар бериш, уларни даволашдан иборат. “Соғлом ёшлар” лойиҳаси эса ОИБ, ОИТС, гиёҳвандлик ва бир қанча юқумли касалликларнинг олдини олишга доир таълим услублари ва дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга йўналтирилган.

“Ҳаёт учун!” ассоциацияси ва “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида хотин-қизлар ўртасида ўсма касалликларнинг олдини олиш бўйича “Ҳаёт учун!” хайрия маарафонини ўтказди.

Шу ўринда бир эътирозни айтиб ўтмоқчиман. Халқимиз иш, деб кўпда ўз соғлиғига эътибор беравермайди. Бирон маъракаи канда қилмас-да, аммо бир йилда бир кунини тиббий кўриқдан ўтишга ажратмайди. Қачонки дарди оғирлашиб, ётиб қолсагина шифокорга мурожаат қилади. “Касалингизни ўтказиб юбориб, нега тиббий кўриқдан вақтида ўтмадингиз, олдини олган бўлардингиз” десангиз, вақти йўқлигини рўқча қилади. Ваҳоланки, юқорида айтганимдек, бошқа тадбирларга вақт топилади-ку. Ана шундай ҳолатларга барҳам бериш учун “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмайди” лойиҳаси орқали энг чекка қишлоқ туманларида яшаётган аҳолининг барча қатлами чуқур тиббий кўриқдан ўтказилмоқда. Бу эса аини пайтда аҳолининг тиббий маданияти шаклланишига, соғлигини назорат қилиб туришга ёрдам бермоқда.

Дастурда белгиланган чора-тадбирлардан бири бу — аҳолининг юқори технологик ихтисослаштирилган тиббий ёрдамдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришдир. Масалан, 2012 йилда юрак соҳаси жарроҳлик бўлими ташкил этилди. В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази, Республика ихтисослаштирилган юрак касалликлари маркази, кўз жарроҳлиги марказларида ўта мураккаб даражадаги жарроҳлик амалини ўтказиш қўламини янада кенгайтирилмоқда. Ваҳоланки, бундай операциялар дунёнинг ҳамма мамлакатларида ҳам амалга оширилаётгани йўқ. Демак, бундан келиб чиқадикки, ҳар бир инсон юртимизда яратилаётган шундай шарт-шароитларнинг қадрига етмоғи, аниқроғи, ўз соғлиғи ҳақида доимо қайғурмоғи зарур. Зотан, Юртбошимиз таъкидлаганидек, “Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур”.

Дарҳақиқат, бугун амалга оширилаётган ислохотлар келажақ авлоднинг, миллатнинг қудратли бўлмоғи йўлида хизмат қилиши шубҳасиз. Зеро, мамлакатимизда “Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!” деган эзгу мақсад йўлида қилинаётган ҳар қандай эзгу иш мустақил юртимиз одамларининг сирхат-саломатлиги учун қаратилган.

Барно СУЛТОНОВА
суҳбатлашди.

БАРКАМОЛ АВЛОД — ЭЛ-ЮРТ БАХТИ

— Авваллари скрининг марказларининг санокли ҳудудларда мавжудлиги, улардаги аҳоли қоникорсиз бўлгани сир эмас. Энди эса скрининг марказлари ҳар бир вилоят ҳудудларида мавжуд. Уларнинг фаолияти қандай самара бермоқда?

— Туғиш ёшидаги оналар соғлом бўлсагина соғлом зурриёд дунёга келади. Шу ўринда буюқ бобомиз Абу Али ибн Синонинг: “Онасининг вужудидакёқ гўдакни қил эҳтиёт, унга бирор оғат етмай, туғилсин у барҳаёт”, деган сатрларини эслаб ўтиш ўринли. Оналаримизнинг ҳиқояларидан биламизки, бир пайтлар аёллар фарзандларини шароити йўқ жойларда дунёга келтирганлар. Энг ачинарлиси, уларга тиббий ёрдамни малакали шифокорлар эмас, балки зарур тиббий малакага эга бўлмаган фелдшерлар кўрсатган. Базан эса улар фарзандларини турли юқумли касалликлардан асрай олмаганлар. Скрининг текширувлари орқали ҳомиладорлик вақтидаёқ фарзанднинг соғлиғи билан боғлиқ муаммолар аниқланмоқда. Юртимизда энг илгор ускуналар билан жиҳозланган скрининг марказлари тармоғи ривожланиши билан тиббиёт генетиқаси соғлиқни сақлаш тизимини мутахассислиги рўйхатиға киритилди. Аини пайтда нуқсонли бор болалар туғилишининг кескин камайиши ана шундай марказларда юқори савияли текширувлар олиб борилаётгани самарасидир.

Перинатал марказида эса муайян хасталик билан оғриган, муддатидан аввал фарзанд кўриш эҳтимоли мавжуд бўлган аёллар шифокорнинг қатъий назорати остида даволанади. Ҳозир бу услуб ирсий касалликлар ҳамда нуқсон билан туғилиш кўрсаткичларини камайтириш имконини бермоқда. Бу ерда туғруқ, неонатал патология, чақалоқлар жарроҳлиги, жонлантириш бўлимлари мавжуд бўлиб, ултраулов аппаратуралари, лапароскопия, сунъий нафас бериш, вакуум, транспорт инкубатори каби қўлай имкониятлар мижозларга юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатишда қўл келаётди. Маҳаллардаги оилавий поликлиника ҳамширалари хонадонма хонадон юриб, барчанинг тиббий кўриқдан ўтишини назорат қилишади. Вақтида бепул эмлаш ҳам аҳоли саломатлигини сақлаш, улар умрини узайтириш омилларидандир.

— Бир пайтлар оддий касалликни даволаш учун ҳам туманга ёки шаҳар марказига боришга тўғри келарди. Энди эса

либ тиббиётимиз қанчалик юксалаётганини бирламчи бўгин ҚВПларнинг замонавий тиббий муассаса сифатида шаклланаётгани мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Уларнинг барчаси нафақат замонавий жиҳозлар, асбоб-ускуналар билан, балки телефон, мобиль ва радиоалоқа мосламалари билан ҳам таъминланган. Кундан кунга аҳоли ишончини қозонаётган ушбу шифо масканларида ўрта тиббиёт ходимлари эмас, балки умумий амалиёт шифокорлари фаолият юритмоқда.

— Кейинги пайтларда тиббий маданиятни юксалтириш, ҳуқуқий онгни ошириш борасидаги тарғибот-ташвиқот билан қўшиб олиб борилмоқда. Бу борада яна қандай ишларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайсиз?

— Дарҳақиқат, тиббий маданияти юқори бўлган инсон ўзини турли касалликлардан ҳимоя қилишни ҳам билади. Зеро, бирор хасталикка чалиниб даволангандан кўра, унинг олдини олган афзал. Ҳуқуқий онг ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Масалан, баъзида одамлардан “фалон сўмга даволандим, жарроҳлик операциясига шунча сарфладим”, деган гапларни эшитиб қоламиз. Агар ўша беморнинг ҳуқуқий онги юқори бўлса, қонунларни яхши билса, нафақат тиббиёт соҳасида, балки бошқа соҳаларда ҳам муаммоларга дуч келмайди. Масалан, тиббиёт муассасаларига “тиббий хизмат бепул”, деб ёзиб қўйилишига қарамай, баъзида бемор дори-дармон, шприцларни ўз маблағи ҳисобига олади. Шундай пайтда бемор шифокордан, яъни масъул шахсдан: “Менга тарифни кўрсатинг ёки бу ерда нималар пуллик, нималар бепул эканини билишни истайман”, деб сўраши керак.

— Инсон саломатлигини мустаҳкамлашда тўғри овқатланишнинг, муттасил дармон-дориларга бой маҳсулотлардан истеъмол қилишнинг ҳам аҳамияти катта. “Ўзбекистон Республикаси аҳолиси орасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида”ги қонун инсон саломатлигини ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий муҳофаза қилиш борасида муҳим аҳамият касб этади. Мана шу микронутриент инфодасини кенгроқ изоҳлаб берсангиз.

— Аввало қайд этиш жоизки, микронутриентлар бу — озик-овқатлар тарихида бўладиган ва шу орқали инсон организмга ўтадиган витаминлар ва доридармонлар



Яна инсон организмда йод етишмаслиги ҳам бугунги куннинг долзарб муаммоларидандир. Аини пайтда 130 дан ортқк давлатда йод танқислиги ҳолатлари мавжуд. Ош тузини йодлаш ёрдамида йил давомида дунё бўйча 12 миллиондан ортқк чақалоқлардаги ақли заифликнинг олди олинади. Йод етишмаслиги хасталиклари қалқонсимон безнинг катталашувиға ёйма ва захарсиз бўқоқнинг пайдо бўлиши ва ривожланишиға олиб келади. Ҳомиладор она организмға етарли ва тўла миқдорда йод кирмаслиги ҳомила танаҳсида ҳам йод етишмаслиги ҳолатини келтириб чиқаради. Бу эса боланинг ақлий ва жинсий ривожланишида нуқсонлар пайдо қилади. Ош тузига қўшилган йод микронутриенти йил давомида ҳар хил миқдорда доимий равишда истеъмол қилинади. Бироқ амалиётда йодланмаган ош тузининг истеъмолға чиқиб кетаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Ёки сертификат олмагандан фаолият юритаётган корхоналар ҳам мавжуд. Йодланмаган ош тузи масаласи ёки республикамиздаги ош тузи ишлаб чиқариладиган корхоналар томонидан йодат калийсини етарли миқдорда сотиб олмағани ҳолатлари ҳар биримиздан миллий қонун ижроси мониторингини изчил юритишимизни талаб қилади. Айрим ҳолларда сотувага чиқарилган йодланган деб белгиланган ош тузи пакетларида тамгалаш маълумотлари аниқ эмаслиги, яроқлилик муддати ўтиб кетганлиги истеъмолчилар ҳуқуқларининг кўпол равишда бузилишиға олиб келмоқда.

— “Обод турмуш йили” давлат дастурининг учинчи бўлимида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини янада ривожлантиришга оид бир қанча

Ўзвучилар уюшмаси вилоят бўлимида

Хоразм. Хива шаҳрида Республика байналмилал маданият маркази, Ўзбекистон — Туркменистон дўстлик жамияти, Туркменистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Фанлар академияси, Ўзбекистон Ўзвучилар уюшмаси, Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида атоқли туркман шоири Махтумқули ижодига бағишлаб илмий-амалий анжуман ўтказилди. Тадбирда давлат ва жамоат арбоблари, олимлар, ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар иштирок этиб, Махтумқули ҳаёти ва ижодий фаолияти, шоир асарларининг ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги ўзаро дўстлик ва маданий алоқаларни мустаҳкамлашдаги аҳамияти ҳақида маъруза қилдилар. Шоирлар Махтумқулига бағишланган шеърларидан ўқишди. Санъаткорлар томонидан Махтумқули шеърлари билан айтилаётган қўшиқлар ижро этилди.

Урганч шаҳрида “Ёшлар кўли” барпо этилди. Ушбу мажмуанинг очилиши катта тантанаға айланиб кетди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзвучилар уюшмаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Ўзбеккино” миллий агентлиги, “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси, вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида мажмуанинг очилишиға бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Маъруза тадбир билан ҳамроҳ тарзда “Биз буюқ юрт фарзандларимиз” шiori остида ёшлар фестивали ҳам ўтказилди.

Навоий. Вилоят Ёшлар марказида

Муваққил Ўзбекистон” шiori остида байрам тадбири бўлиб ўтди. Тадбирда ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этиб, байрам иштирокчиларини қутладилар. Шоирлар ҳамда санъаткорларнинг чиқишлари барчаға байрамона кайфият улашди.

Бухоро. Ўзбекистон Ўзвучилар уюшмаси, Маънавият тарғибот маркази, “Миллий тикланиш” партияси, “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлимилари ҳамкорлигида Бухоро шаҳридаги “Кўкалдош” меъморий мажмуасида “Кадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон” шiori асосида адабий-музикаий тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда турли соҳалар вакиллари қатори Топшўлат Аҳмад, Шоира Аҳмедова, Исроиил Субҳоний, Шодмон Сулаймон каби ёзувчи ва шоирлар ҳам иштирок этиб, мустақиллик тўғрисидаги имкониятлар, ёш авлодга яратилаётган шароитлар ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Наманган. Наманган шаҳридаги “Ўзбекистон” маҳалла фуқаролар йиғинида адабий-маърифий тадбир ўтказилди. Унда иштирок этган Жамолддин Муслим, Эрматом Нурматов, Муҳаммад Мирзо каби ижодкорлар мустақиллик йилларида юртимизда рўй бераётган ўзгаришлар, кенг миқордаги бунёдкорлик ва ободончилик ишларининг муҳияти, ёш авлод зиммасидаги масъулият ҳақида фикр билдириб, янги шеърларидан намуналар ўқидилар.

Тошкент вилояти. Паркент туманидаги марказий хиёбонда “Кадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан,

муваққил Ўзбекистон” шiori остида байрам тадбири бўлиб ўтди. Тадбирда ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этиб, байрам иштирокчиларини қутладилар. Шоирлар ҳамда санъаткорларнинг чиқишлари барчаға байрамона кайфият улашди.

Ахборот хизмати.

Мақтабға қадам қўйган илк кунимизни, одатда, ширин хотиралар билан эсга оламиз. Биринчи муаллимимизнинг меҳри нигоҳи ёдимизға келади. Ҳайрат ва ҳаяжонга тўла бу кунда болажонлар ўзлари орзиқиб кутган оламни кашф эти-

СЕВИНЧЛАРГА ҚАНОТ БАФИШЛАБ

лади гўё. Илм даргоҳи дея аталмиш бу қутлуг даргоҳға уларни устоз — биринчи ўқитувчилари бошлаб олиб қиради. Ҳамроҳлари эса тенгқурларни, энди синфдош дўстлари. Инсон умрининг бу илк босқичи, албатта, нишонлашға алоҳида эътироф этишға арзирли ҳодиса. Ҳар ўқув йилининг катта тантана билан қарши олиниши мамлакатимиз мактабларида анъанаға айланган.

Бу йилги янги ўқув йилининг бошланиши ҳам хуш кайфият, унутилмас лаҳзаларға бой бўлди. Юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида бўлгани сингари пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 167-мактабда ҳам ана шундай байрам тантанаси бўлиб ўтди. Мактаб жойлашган Маннон Уйғур номидаги маҳалла билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирға ташриф буюрганлар нафақат дилрабо қуй-қўшиқлар, шунигдек, зийрак болажон-

ҲАЁТ ВА АДАБИЁТ ҲАМНАФАС

Бошланиши биринчи саҳифада.

Асрий орзуми бўлган Истиқлолни жафокаш, жабрдийда халқимизнинг барча қатламлари қатори зиёлилар, ёзувчилар ҳам қизгин кутиб олдилар. 1991 йилнинг 28 сентябрида мустақил мамлакатимизда Алишер Навоий бобомиз таваллудининг 550 йиллиги кенг нишонланди. Шоир номидаги Миллий боғ ва умумбашарий сиймонинг муҳташам ҳайкали очилди. Мустақиллик, энг аввало, миллий адабиётимизнинг ёрқин сиймолари хотирасиға бўлган чинакам эҳтиромни ўз ўрниға қўйди. Улуғ адиблар — Абдулла Қодирий ва Чўлпонга «Мустақиллик» ордени, Фафур Фулом, Ойбек, Миртемир, Шўхрат каби устозларға «Буюқ хизматлари учун» ордени берилди, ёдгорликлар ўрнатилди. Миллий адабиётимиз ривожига салмоқли ҳисса улуш қўшган 6 нафар атоқли адиб — Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Саид Аҳмад, Озод Шарафиддинов, Тўлепберген Қаипбергенов, Ибройим Юсупов «Ўзбекистон Қаҳрамони» юксак унвонига сазовор бўлдилар. Аинан истиқлол йилларида таниқли адиблар ва шоирлардан бир ғуруҳи «Ўзбекистон халқ ёзувчиси», «Ўзбекистон халқ шоири» унвони, орден ва медаллар билан тақдирландилар.

Томчида кўёш нурулари ўз хилосини топади. Худди шу каби истиқлол ҳар бир ўзбекистонлик ҳаётида, шу жумладан, биз ижодкорларнинг тақдиримизда ҳам муҳим муҳият касб этиб турибди.

Айтиш жоизки, Истиқлол юртимизда ҳар йили ўз шуқуҳи, ўз химмату ҳикмати билан кенг нишонланади. Бу йил шу азиз айём арафасида “Ўзбекистон республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими” унвонига сазовор бўлдим. Кейинги китобларимнинг аксарияти «Дўрмон» ижод уйида ёзилди.

Ўтган 22 йил давомида Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан мустақил мамлакатимизнинг кўплаб вилоятларида сафарда бўлдим. Бу сафар таассуротлари албатта, ўз натижасини — адабий ҳосилини беражақдир. Ҳаётга талпинган, юртни чаманға буркаётган одамлар билан бўладиған ҳар бир мўлоқотда ҳаётнинг тирик нафасини туюсиз.

Ўз мустақил йўлидан мустаҳкам қадамлар билан одимлаётган мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси бизнинг қаҳрамонларимиз эканини чуқур ҳис этиб қалам тебратиш бурч эканини ҳар гал теран англайман. Берилаётган рағбат эса бадиий ижодда янги-янги довларни эгаллашға даъватдир!



Янгибой КҶЧҚОРОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган
маданият ходими

Таабур

тайёрланган турли саҳна кўринишлари, дилрабо рақсларға улаиб кетган Миллий театр актёрларининг чиқишлари тадбирға ўзғача фойза бағишлади.

Ватанимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллик тўйига улаиб кетган илм даргоҳидаги бу байрам янги ўқув йилининг шодлик ва орзу-умидлар ғушисида бошланишиға омил бўлди. Болажонларға бир олам севинч улашган тадбирда 167-мактаб директори Раъно Алимова қўшалок байрам билан барчани табриклаб, илм

остонасига энди қадам қўётган биринчи синф ўқувчиларига омад тилади. Шу аснода қуттилган ва куттирган, дилларда жаранги умрбод эсга қолгучи биринчи кўнироқ ҳам жаранглади.

Бундай қувончли тантаналар бутун мамлакатимиз бўйлаб ҳар йили ташкил этилади. Бирок биринчи синфға чиқаётган ҳар бир болажон учун бу байрам умрида бир мартаба содир бўлади. Шу йўсинда мактаб деб аталмиш қутлуг даргоҳнинг фарзандиға айланаётган болажонлар воёға етиб сўнги кўнироқ жаранлаганда, албатта, шу кунни энтиқиб эслайди. Мактаб даври, бу ерда олган сабоқлари келажақда улар учун пойдевор вазифасини ўтади. Илм сари қўйилган илк қадам, янги ўқув йили барчамизға муборак бўлсин.

Роҳила ОТАБОЕВА,
ўқитувчи



Мустақиллик ва мумтоз адабиёт тадқиқи — фикр миқёси анча кенг, факт ва маълумотларга бой, янги, ҳаттоки мунозарали тушунчаларни назардан ўтказиш масъулиятини англатадиган мавзу. Шунинг учун биз унинг диққатни қаратиш зарур деб билганимиз айрим нукталарига тўхталиб ўтамиз.

Халқимиз истиқлолни қўлга киритгунча қадар ҳам мумтоз санъаткорларимиз асарлари текширилиб, қўллаб наشرлар амалга оширилган. Бу жараёнинг ютуқ ва камчиликлари ҳам ҳолис баҳолаш керак. Ва табиийки, илмда эришилган ютуқ ҳамда янгиликлар ўз-ўзидан ўтмишдаги аҳолини таъкидлий баҳолашни ҳам олдимизга қўяди.

Бундан йигирма беш йиллар муқаддам Ўзбекистонда яссавийшунослик деган алоҳида фан тармоғи бор деса, ҳеч ким ишонмасди. Боз устига, ўша пайтларда ёзилган нарсаларнинг аксарияти Яссавий шахсияти ва шеърятига қарши тўқилган айбнома бўлган.

Дарвоқе, яссавийшуносликнинг оёққа туриши мустақиллигимизнинг ёшидан унча фарқланмайди. Буни орифлар султони яшаган даври, ҳаёти, тариқати, ҳикматлари ва яратган мактабига мансуб шоирларга бағишланган илк илмий тўплам, рисола ва китобларнинг чоп бўлган вақтидан ҳам билиш мумкин.

сида мазмун ва ритмнинг бадийий уйғунлиги» (2011) китобларидир.

2011 йил 28 — 29 сентябрда Тошкентда «Алишер Навоий ижодий ва маънавий меросининг оламшумул аҳамияти» мавзусида халқаро илмий-назарий анжуман ўтказилиб, унинг материаллари яхлит китоб ҳолида босилди. Бобокалон шоир юбилейига энг лойиқ тўхта, шубҳасиз, Тил ва адабиёт институти ходимлари томонидан Алишер Навоий тўла асарлар тўпламининг ўқувчилар қўлига етказилиши эди. Бу фикрни тасдиқловчи биргина далил келтироқчимиз. 2012 йилнинг 24 февралда Туркияда Халқаро Алишер Навоий симпозиуми ташкил этилди. Унда Озарбойжон, Эрон, Покистон, Афғонистон, Тожикистон, Қирғизистон, Хитой, Россия, Германия каби давлатлардан келган адабиётшунослар, юртимиздан ташриф буюрган олим ва ижодкорлар қатнашиди. Навоийнинг ўн томиқ тўла асарлар тўплами профессор Мустафо Эсонга топширилганда мажлис ахли буни қарсақлар билан олқишлади. «Алишер Навоий ва усмонли шеърятини», «Алишер Навоий» номли китоблар муаллифи филология фанлари доктори Юсуф Четиндоғ ёзади: «Туркийзабон миллатлар адабиётида ўз таланти, бебаҳо ижоди билан донг таратган шоир ва адиблар қўп. Аммо айнан Навоийга ўхшайдигани йўқ. Мана, Юнус Эмронни олайлик. У фақат бизнинг халқимиз орасида жуда машҳур. Фузулий озарийларнинг энг суюқли шоири. Махтумқули туркманларнинг биринчи шоири ва ҳоказо. Алишер Навоий-чи? Туркий халқларнинг барчаси учун бир хилда қадрли ва уларнинг ҳаммасини ўз атрофида бирлаштиришга қодир Сўз султони дидир».

Навоийшуносликдаги камчилиқ ва нуқсонларни тўғри англаш, ўз қобилига ўралиб қолишдек маҳдудликдан қутулиб, янада илмлаш учун юқоридаги сингари эътирофларни эътиборда тутиш шарт. Шунда масъулият, ўзидан қониқмаслик ҳисси кучайди, албатта.


Элимизнинг Заҳриддин Мухаммад Бобур, Бобораҳим Машраб, Мухаммад Ризо Оғахийдай беназир фарзандлари ижод майдонида от суриб ўтган эканлар, адабиётшунослик илми тўхтаб қолмайди. Чунки халқ, унинг зиёли қисми бу шоирлар шахси, ижод олами, маҳорат сирларини ўрганиш ва ўргатишдан тўхтамайди.

Бобурнинг «Сўзи илҳомбахш» сўз фикри — турғунлик, ношудлик, савзлик ва мутелиқни қувадиган шиддатли фикр. Унинг ҳаёли ва ҳолатлари эса асир этувчидир. Шу боис Бобур ижодиётига бир кўнгли қўйган муҳиб, олим умр бўйи ундан ажралолмайди. Бу ҳолат Бобур таваллудининг 530 йиллигига бағишлаб шу йил июн ойида пойтахтимизда ўтказилган халқаро анжуманда кузатилганидек, А.Қаюмов, С.Ҳасанов, Ҳ.Қудратуллаев, Н.Низомиддинов ва бошқа олимларнинг асарларида ҳам тасдиғини топиб турибди.

Хуллас, Мустақиллик наинки халқ ва Ватани, балки тил, тарих, дин ва адабиётни ҳам қарамлик, ҳар турли чеклашни, ёлғон ва сохта муносабатлардан озод қилди.

Авлод алмашар экан, фикр, тушунча, истак ва интилиш ҳам ўзгариб боради. Асосийси эса ҳамма нарса ва ҳар бир ишга миллат манфаати нуктаи назардан қараш, сунъийлик ва таъмадан кечиб, ҳар қандай қори ҳолда табиийлик ва заҳматқашликка таянмоқдир. Мана шунда илм-фан ҳам сифат ўзгаришлари заминда ривожланиб бораверади.

Иброҳим ҲАҚҚУЛ, филология фанлари доктори



Иброҳим ҲАҚҚУЛ, филология фанлари доктори

“ҚУЁШЛИК ИСТАСАНГ, ҚАСБИ КАМОЛ ЭТ”

Алишер Навоийнинг ҳуқуққа оид қарашлари хусусида

Ишончли манбалардаги маълумотларга кўра, Алишер Навоий ёшлигида фикр наминдан мукаммал таълим олган. Самарқандда эса аълам уламо Ҳўжа Фазлуллоҳ Абулайс хонақоҳи ҳужраларидан бирида истиқомат қилиб, фикрдан икки йил таҳсил кўради. Ҳиротда у ўша даврдаги устозларидан бири Мавлоно Фасихиддин Низомийдан фикр ва фалсафадан дарс олади.

Демак, Навоий фикр илмининг жамиятдаги ва инсон ҳаётидаги аҳамиятини тушунган. Шу боис «Фарҳод ва Ширин» достонида: **Қуёшлик истасанг, қасби камол эт** **Камол ар қасб этарсен, бемалол эт** — деб шахсона Шохғариб мирзога мурожаат этади. Улуғ шоир шахзодани ҳар нарсанинг моҳиятини билиш учун фикр, ҳадис, тафсир — уч илмини қўнғ билан ўрганишга қачиради ва «бу уч илм сен бил» деб устозларча даъват қилади. Яна Шохғариб мирзога бу уч илмдан ташқари тиб, тарих, ҳикмат илмига майл қилишни, уларни ўрганишни маслаҳат беради. Навоий келажак авлодга — ёшларга ўз шеърларидан бирида «Камол эт касбким, олам уйидин», дея самимий истақ билдириб, қониқликка интилган ёшларни ҳам уч илмини ўрганишга тарғиб қилади.

Навоий бу уч илми ҳам билган, қадрлаган, улاردан наф топган. Шунингдек, тиб илмини пурта билгани сабабли «Хайрат ул-абдор»нинг «Учинчи хайрат»ида инсон организмнинг тузилиши, унга хос хусусиятларини нафақат бадийий, балки тиббиётга мос ҳолда реал тасвирлаб кўрсатган. Тарихий асарларни ҳам ижодкор, ҳам муарриф сифатида мукаммал ёза олган. Ҳикмат илмининг билимдонли сифатида ўзи яратган ва ўзлаштирган ҳикматлари билан асарларига бадийий зеб бериб, умрбоқий маъно-мазмун, гоғларни сингдира олганки, XXI аср навоийшунослигида «Навоий шохбайтлари» деган янги бир йўналиш пайдо бўлди.

Навоий асарларида нафақат бадийий-эстетик жиҳатдан, балки ҳуқуқий, ахлоқий, ижтимоий тасаввурни англашнинг манбаи сифатида ҳам қараш мумкин. Ўттиздан ортиқ асарларида улуғ шоир XIV — XV асрлардаги сиёсий ва ҳуқуқий гоғлар — одамларнинг ҳуқуқий онг даражаси, мулкий, ахлоқий, оила-ниҳос муносабатларини тартибга солувчи ижтимоий нормалар, жиноят ва жазо масалалари ҳақида кенг маълумотлар беради. Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал каби машҳур ахлоқий уқлик Навоий сиёсий ва ҳуқуқий тушунчаларининг асосини ташкил этади. «Одил шох» («Салотинлар зикри») ҳукмронлиги остидаги кучли давлат гоғиясини илгари сурган Навоий адолатли жамият қуриш билан боғлиқ умидларини Хусайн Бойқаро билан боғлар экан, кейинчалик «Вақфия» асариде шундай ёзади: «...ул Ҳазратнинг қуллуғида неча навъ хизматким, дунё суди андин пайдо ва охират беҳбуди андин ҳувайдо бўлғай, ўзумга лозим туттум ва неча навъ ишким, халобийқ дуосига боис ва Холиқ ризосига сабаб бўла олғай, қошимда муқаррар қилдим. Ва Тенгри иноятин бу ишлар борча муюсар бўлди».

Навоийдаги ҳуқуқий қарашлар ва фикрларнинг ҳаётийлиги боиси, биринчидан, улуғ шоирнинг фикр илмининг кенг ва чуқур билиши бўлса, иккинчидан, ҳуқуқ ижодкори, ташаббускори ва ижроси сифатида ўттиз йилдан ортиқ давлат ишларидаги фаолиятидир. Навоий шох саройида юксак обрў-эътиборга — подшоҳга таъсир этишдек нодир ҳуқуқ ва имкониятга эга бўлган. Бу ҳақда Хондამир Хусайн Бойқаронинг Навоийга ёзган мактуби асосида «Мақорим ул-ахлоқ»да қуйидагича маълумот беради: «Узлари билалдириқ, ҳеч қачон ўртада такаллуф ва ўзгалик бўлмағ, ҳамма вақт сўз шу тариқа кечардики, ул салтанат таянчининг хотирига, хайрихолик ва яхши фикрда бўлиш йўли билан, нимаики келса тўққиз мартагача уни айтишга ижозат берилган эди. Бизнинг ҳам ҳамма вақт хотиримизга нимаики келган бўлса, меҳрибонлик юзасидан изҳор қилардик».

Масалан, Хусайн Бойқаро Хоразм вилоятини обод қилиш учун Хуросондан уч минг хондонни Хоразмга қўчириш ҳақида фармон чиқаради. Амир Навоий фуқароларнинг яшаб ҳуқуқини ҳимоя қилиб, давлат манфаати учун қаттиқ туриб, юксак маънавий бир жасорат билан халқни Хоразмга қўчириш масаласи тўғрисида ҳукмдорга тўққиз мартаба эмас, ўн марта арз қилиб, охири натижага эришади. Хусайн Бойқаро уч минг хондон ўрнига бир қисм, яъни ихтиёрий борувчиларни қўчиришга қарор қилади. Бу ҳақда ишончли тарихий манбаларда асосли маълумотлар қуйидагича талқин этилади: «Навоий арз қилади: «Ўзингиз менга берган фармонингизга биноан, ҳар бир иш ўринсиз воқеъ бўлса, тўққиз галгача айтишга ҳақлидирман. Халқни Хоразмга қўчириш масаласи тўғрисида тўққиз мартаба арз қилдим, натижа бермади. Балки бу аҳолини йўқотиш жиҳатидан ўнинчи мартаба ҳам сизга бош орғи бўлдим ва ўш муқддоимга мувофиқ жавоб тополмадим. Эндиликда яна бир қарра ўз илтимосимни такрорлаш билан қабул қилишларини умид қиламан».

Адолатли ҳукмдор ўз жавобиде: «Мен биланки, Сиз бу борада давлат манфаати учун қаттиқ туриб олдингиз, бироқ салтанатимиз тонги ёриша бошлагандан илгарироқ у мамлакатни обод қилишга қаттиқ киришмоқчи эдингиз, бу масалалар бутунлай қайта олмайман. Энди Сиз маъқул кўрсангиз, уч минг уйлиқдан тўрт донги (олтин тўрт қисми, яъни учдан иккиси) қолиб, икки донги (иккидан бири)ни юборишга ҳукм қилдим», дейди.

Навоий туркий тил ва унинг равнақини қонун билан мустаҳкамлашда, давлат тили сифатидаги мақомини тиклашда «Турк назмида қў мен тортиб алам, Айладим ул мамлакатни яққалам», дея тил миллатнинг миллат бўлишидаги омиллардан бири эканини уқтирди. Жомий «Ҳафт пайкар» хотимасида Навоий ўз ижоди билан адабиётнинг, сўз санъатининг ривожига улкан ҳисса қўшгани ҳақида ёзади: «Қаламинг очқичи билан сўз эшигини очдинг. Равнақдан қолиб кетган ва хорлик бурчагидан ўрин олган «туркий» сўзга сен янгидан обрў бердинг. Уни ижод майдонига олиб чиқдинг. У сенинг раъйинг нуридан сафоли бўлди, лутфинг навосидан наволи бўлди».

Бу ўринда шоир асарларида берилган «Сўз», «Қалам» ҳақидаги фаслларни эслаш ҳам ўринлидир. Улуғ шоирни ҳақдор иншоатчи, Яққалам шоирнинг ижодий иншоат майдонида қозонган зафарларини давлат ва сиёсат майдонидеги мақоми билан бирлаштириш олданинг образидир. Демак, Яққалам — илҳом, маҳорат ҳамда яхши бир сиёсат — давлат тили ҳақидаги қонун ижроси, «Хамса»нинг ҳам тимсоли. «Мен туркий шеърятда байроқ кўтариб, бу мамлакатни бир қалам остида бирлаштирдим», деган донгдор шоир фикрларини «Хайрат ул-абдор» достонининг «Низомий мадҳида»:

Ганжа қуёшиқ, кўтарган алам,
Айлади сўз мамлакатин яққалам —
дея Ганжа қуёши, яъни Низомий байроқ кўтариб, сўз мамлакатини бир ҳукмронлик остида бирлаштирилганини фахр билан ёзади. Низомий яққалами Навоий талқинида илк «Хамса» ижодкорига ишора ҳамда чуқур эҳтиром рамзидир.

«Хайрат ул-абдор»нинг «Учинчи хайрат»ида эса яққалам зарбини дунё халқларини ҳамжиҳатликка қорловчи қуч-қудрат сифатида ҳамда ўзаро тенглик, ўзаро қелишув каби халқаро ҳуқуқ тамойилларини хайрат билан, ички бир қониқчи билан ёзади:

Мехр чу машиқ сори урди алам,
Олди жаҳон мамлакатин яққалам.
Дунё ҳуқуқ тизимида мусулмон фикрига хос бўлган ягона ҳуқуқ — вақф ҳуқуқи ҳақида қўллаб ҳужжатлар мавжуд бўлса-да, Навоийнинг моҳиятан икки қисмдан иборат «Вақфия»си фақат тарихий ҳужжат сифатидаги асар бўлиб қолмай, балки мемуар характердаги сюжетлар, лавҳалар, бадийий тасвирий чизгилар, шеърлар ҳам жамланган ягона асардир. Асарда «Нафсинг агар халққа бешакдурур, Билки, бу нафъ ўзинга кўпрақдурур» каби мақсади, мудароиси Ҳақ халқ ва адолат йўлидаги фаолияти билан намуна бўлган муаллиф образи қўллангани, у Навоий шахсиятидаги нурли чизгиларни намоён қилади. Реал ижтимоий муносабатлар билан боғлиқ равишда шахсга, мулкка қарши жиноятлар таснифини бадийий талқин қилган. Вақф ҳуқуқи ва қондаларининг дахлсизлигини тушунтириш мақсадида назмдан ҳам ўринли фойдаланиш.

Бу қондан қимки тузар, бор ўласун,
Тенгри бори ҳолатда анга ёр ўласун.
Ким бузса, бузуқдўкка сазовор ўласун,
Ҳақ лаънату қаҳрига гирифтор ўласун.
«Фаройиб ул-сифар»нинг 7 байтли «қаро» радиопи газалида баъзи нопок фақиҳларни фикр тизимидаги фаолиятидаги адолатсизликни танқид қилиб, покликка, адолатга ундаб шундай мисраларни ёзган:

Ҳайрдин қилғил замининг сафҳасин пок, эй қаҳқоқ,
Тобақай қилмоқ фиребу макр ила дафтар қаро.
Ўз даврида «Хайрул башар амир», «Дарёдил амир» унвонларини олган Навоий асарларида учрайдиган «адал ва дод (эҳсон) ила тузмок», «қонун-қоида қўймок», «қоида ва русум тузмок», «адолат ва шафқат қонуни», «ақосира қондаси», «яхши ойинлар орога қиюрмок», «одил ҳукм», «ростлик, тўғрилик сиёсати», «шаръ қонуни», «ихроғ ҳукми» каби ҳуқуқий тушунчалар баъзи ўринларда Навоийнинг кўрсатмалари шаклида бадийий талқин этилган.

Эзувчи ва навоийшунос Ойбек Навоийнинг «...бизнинг мамлакатда ҳукмат мавжуд, ҳукмдор мавжуд, қонун ва ҳуқуқ мавжуд» каби фикрларини «Навоий» романининг 2, 15, 23 — 36-бобларида бадийий маҳорат билан кўрсатган. Адиб буюқ тарихий шахс — Навоийнинг мамлакатни обод ва фаровон қилиш, адолатли давлат тузумини барпо этиш йўлидаги гайратини тарихий-бадийий жиҳатдан ёритиб берган. Шунинг алоҳида қайд этиш керакки, Хондამирнинг «Хулосат ул-ахбор» асаридеги «Хиротнинг ички ва ташқи қисмидаги бинолар, мўйтабар жойлар қайди» фасли асосида фикрласак, Навоийни моддий ва маънавий меросини асраш ҳақидаги лойиҳалар ташаббускори, хайру саховат бинокори, ҳомийси дейишга ҳақлимиз.

Буробия РАҲАБОВА,
ЎЗР ФА Алишер Навоий номидеги
Тил ва адабиёт институти катта
илмий ходими, филология
фанлари номзоди



МУСТАҚИЛЛИК ҲИММАТИ ВА ҲИҚМАТИ

қараб, кашфиёт яратишга чоғланиш энди онг ва шуур турғунлигидан далолат беради, ҳолос. Демократизм, адабиётшунослик фани мустақиллик руҳи, эркин фикр завқи, қалбан ва маънан юрт, миллат тақдирига боғлиқликдан йироқ бир юмуш эмас. Зеро, озод ва мустақил мамлакатнинг илм-фани, биринчи галда, дид ва савияси баянда, сергайрат шахсиятларни камол топтиришга хизмат этиши лозим.

Барча замонларда босқинчи салтанатлар илм-фанда ҳам ўз тили, тарихи, дин ва адабиётга қарши боришдан тайсалмайдиган «билангон»ларнинг ҳаммоллигидан унумли фойдаланишган. Шу йўл, шу усулга таяниб совет давлати ҳам қарийб етмиш йилдан ортиқ муқаддас мобайнида тасаввуф адабиёти вакиллари асарларини ўқиб-ўрганишни тақиклади. Бу адабиёт туркий халқлар ирфоний тафаккурининг бошланғич нуктаси бўлиши билан бирга, унинг ривожланиш йўллари билан бирга берган марказдир. Чунки Хожа Аҳмад Яссавий тажрибаларини назардан соқит қилиб, тариқат нари турсин, туркий тасаввуфий адабиёт тарихи мавзусида ҳам сўзлаш душвордир.

Мустақиллик шарофати билан бу адабиёт ва унинг йирик вакиллари — Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Нажмиддин Кубро, Сўфи Оллоҳёр кабиларнинг ижодиётини ўрганишга кенг имкон очилганини алоҳида қайд этиш керак. Бу иш, асосан, икки йўналишда амалга оширилди: биринчиси, асарлар мобайнида ўқиб, ўрганиб келинган ана шу шоирлар ижод намуналарини халққа яна етказиш. Иккинчиси, илмий тадқиқотчиликни йўлга қўйиш. Мазкур йўналишларда Аҳмад Яссавий. «Хикматлар» (нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи И.Ҳаққулов, Тошкент, 1991), Аҳмад Яссавий. «Девони ҳикмат» (нашрга тайёрловчи: Р.Абдушуқуров, 1992), Хожа Аҳмад Яссавий. «Девони ҳикмат». Янги топилган намуналар (нашрга тайёрловчи Н.Ҳасан, 2004), Хожа Аҳмад Яссавий. «Девони ҳикмат» (нашрга тайёрловчи И.Ҳаққул, Н.Ҳасан, 2006), «Девони ҳикмат»нинг йиғма-қиссий матни» (нашрга тайёрловчи: М.Эшмухамедова, 2008), Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний. «Хикматлар қуллиёти» (нашрга тайёрловчи Т.Қораев, А.Бозоров, 2011) китоблари эл орасида тез тарқалди. Айрим наشرлар қайта босилди. Демак, халқимиз «Девон»ни ихлос ва эътиқод билан ўқишга киришди. «Девони ҳикмат»нинг ҳаёти қайтиши айна пайтда Мустақиллик Ҳиммати ва Ҳикмати дейишга ҳақлимиз.

«Яссавий ким эди?» (мақолалар ва ҳикматлардан парчалар; тўплаб, нашрга тайёрловчи Б.Дўстқороев, 1994), «Хожа Аҳмад Яссавий: ҳаёти, ижоди ва аъённалари» (мақолалар тўплами, 2001); Н.Жабборов, «Хожа Аҳмад Яссавий — тасаввуф осмонининг порлоқ қуёши» (2004), Ҳ.Исломий, «Султон ул-орифин Хожа Аҳмад Яссавий» (2005), «Яссавий ҳикматларининг қўлёзма каталоги» (тузувчилар: М.Ҳасаний, Н.Тошев, Ф.Карим, С. Эсенетмур, (2006), Н.Ҳасан, «Яссавийшуносликка доир манбалар ва «Девони ҳикмат» (2012) сингари наشرлар фақат жумҳуриятимизда эмас, балки хорижда ҳам эътибор топиб, улардан баъзиларининг таржимада чиқишини тасодиф деб бўлмади.

«Иккинчи Яссавий» номи билан шўҳрат топган Сулаймон Боқирғоний мероси бўйича қилинган ишлар ҳам мақдуровий таъқиблар ўтмишига айланганнинг ёркин мисолидир (Сулаймон Боқирғоний. «Боқирғон китоби», 1991).

Адабиётнинг илмийга тегишли билим ва тасаввур нечоғли тиниқ бўлса, унинг тақомили ва тараққийини таъминлаган омил ҳамда қонуниятлар ўшанча аниқ англашилади. Туркий адабиёт сарчашмалари — Тошбитиклар, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг»ини «Дойимий тадқиқ қилиш миллатнинг тарихий ўзлигини англаш, жаҳон тамаддунидаги макъе ва мартабасини ҳаққоний мушоҳада қилишга рағбатлантиради. Эски тарихий, адабий манбалар янгича мақсад ва маънавий-ахлоқий эҳтиёжлар билан тадқиқ этилишининг бир сабаби ана шу. Қадимшунос олимлар Б.Тўхлиев ва Н.Раҳмоновнинг илмий-амалий ишлари шу маънода ҳам ўзига хос аҳамиятга эга.

Умуман олганда, XV асргача бўлган адабиётимиз гўё Алишер Навоийнинг дунёга келишига ҳозирлик кўриб, унинг ижод дарёсига шавқ ва шиддат ила шўнғишига имкон яратганга ўхшади. Шу боис туркий адабиётдаги оламшумул ўзгариш, янгилаш, юксалиш айнан Навоий даҳосининг самараси эди. Мустақиллик даври навоийшунослиги мавзусида биз олдин ҳам фикр юритганмиз. Бу ўринда буюқ шоир таваллудининг 570 йиллигини нишонлаш арафасида қилинган баъзи ишларни кўрсатиб ўтмоқчимиз. Булар: «Навоийнинг ижод олами» 2-китоб (2011), А.Қаюмовнинг «Дилқушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар» (2011), Ш.Сирожиқдиннинг «Алишер Навоий: манбаларнинг қиссий-типология, текстология таҳлили» (2011), Э.Очиловнинг «Бир ҳовуч дур» (2011), С.Ўтановнинг «Алишер Навоий газалиётини ранг символикаси» (2011), Д.Юсуповнинг «Алишер Навоий «Хамса»-

Ўзбекистонда яшаб, турли тилларда ижод қилаётган шоирлар шеърларидан саралаб қилинган таржималар туркуми(М.Аҳмад таржималари) билан танишасиз. «Устоз таржимонлар бисоти-

«ЖАҲОН АДАБИЁТИ»

2013 йил, июл, август ойлари сонлари

Шу кунларда «Жаҳон адабиёти» журналининг икки сонини бир йўла муштарийлар қўлга етиб борди. Ҳар икки сон ҳам улуғ шоиримиз ҳазрат Алишер Навоий сабоқлари билан очилди. Июл ойи сониде навоийшунос Қ.Эргашев таҳлили ва талқинида Навоийнинг машҳур «Жунун водийида мейил кўрармен жон зоримни...» мисраси билан бошланган газалини таҳлилий баҳолашга ҳақлимиз.

Бу икки сонда жаҳон адабиёти даргаларидан Ф.Достоевскийнинг «Иблислар», Н.Сосекиннинг «Қалб» ва Али Мухаммад Афғонийнинг «Оху хонимнинг эри» романларининг давоми босилган. Шунингдек, араб ёзувчилари Мустафо ал-Манфалутий, Марям Зиёда ҳикоялари(Д.Алиева таржималари), Франц Кафка афоризмлари-

(Ш.Қодиров таржимаси), «Жаҳонга бўйлашиб» рукин остида Мухаммад Шариф хикоялари берилган.

«Шеърят минтақалари»га ажратилган саҳифалар ҳам биз кутган ва кутмаган шоирларнинг асарлари таржималаридан таркиб топган. Чунончи, журналнинг июл

сонларида Абдулла Авлонийнинг Хофси ва Крилов ижодидан, Уйғуннинг В.Шекспир, Т.Шевченко, А.Кўнонбоев, А.Тўқай, С.Рустам ижодидан амалга оширган таржималари босилган. Расул Ҳамзатовнинг «Буюқ туйғу» асари(А.Мўмин таржимаси) атоқли авар шоирининг дил изҳоридек ўқилади.

«Жаҳон адабиёти» журналы адабий-эстетик ва фалсафа тарихидан муҳим ва муҳим ўрин олган машҳур асарлар таржимасига ҳам изчил эътибор қаратиб келаятир. Хусусан, журналда босилган машҳур рус адабиётшуноси ва файласуфи Михаил Бахтиннинг «Романда замон ва хронотоп шакллари» (У.Журақулов таржимаси) номли фундаментал тадқиқоти, Лев Гумилёвнинг «Этнослар ва та-

бийий муҳит» асари (М.Махмудов таржимаси) фикримизга далилдир.

Журналнинг жорий йилдаги июл, август сонларида сиз яна жаҳон адабиёти, хорижлик машҳур шоир ва адиблар, уларнинг асарлари таҳлилга бағишланган тадқиқотлар, оммабоп мақолалар билан танишасиз. Жумладан, Т.Жўраевнинг «Жойс феномени», К.Содиқовнинг «Турфон обидалари», Ш.Ахмедовнинг «Араб адиблари», Ю.Ҳошимовнинг «Сени излаб ўтаман, бахтим...», М.Ақбаровнинг «Рухий олам изтироблари» сингари мақолалари шулар сирасидан.

Қорақалпоғистонлик адабиётшунос олим Қ.Ўразимбетов ва таниқли шоира Г.Матқубованинг сўхбати, С.Абросимовнинг «Хива рўёси» сафарномаси (О.Мутал таржимаси), С.Ёқубовнинг «Араб баҳори»ми ёки араб лабиринти» мақоласи, шунингдек, жаҳон маданияти ва санъат даргалари ҳаёти ҳамда фаолиятига доир қизиқарли маълумотлар, лавҳалар ҳам журналнинг ушбу сонлари мундариҳасини бойитишга хизмат қилган.



«Жаҳон адабиёти» журналы адабий-эстетик ва фалсафа тарихидан муҳим ва муҳим ўрин олган машҳур асарлар таржимасига ҳам изчил эътибор қаратиб келаятир. Хусусан, журналда босилган машҳур рус адабиётшуноси ва файласуфи Михаил Бахтиннинг «Романда замон ва хронотоп шакллари» (У.Журақулов таржимаси) номли фундаментал тадқиқоти, Лев Гумилёвнинг «Этнослар ва та-

Ойдин ТЕМИРОВА

ОНАМДАЙ МУНИСЛИК, ОТАМДАЙ РОСТЛИК

ДАПАДА

Хавога ёзилган сўзларни уққан,
Отанинг қўлида сўйлайди тупроқ.
Гўё болаликдай кўнглимга яқин,
Куннинг кулгичида ўсган ҳар тибх.

Оппоқ тонларини кутиб турар ой,
Аямай сочди меҳрини кўёш.
Бунда кўшиқ қуйлаб ётар қиёқлар,
Бунда янтоқлар ҳам менга қариндош.

Онамдай мунислик, отамдай ростлик,
Бобомдай ҳотамтой, бағрикенгликни,
Серҳашам шаҳардан қайтгун соғиниб,
Фақат далаларда бўлган тенгликни.

Шаддод қиз-жувонлар кулгуларига
Қаҳқаҳа кўшди лойсувоқ шийпон.
Сўзсиз кутиб турар эгаларини
Кекса тол шохиди бир шола кетмон.

Бутун тупроқ тўзган йўллари юмшоқ,
Кўнглим ҳам деҳқоннинг кўнглидай ҳалим.
Суттечак исидан сархуш ва масрур,
Яшариб-яшариб қулдоқ истадим.

Тиллақўшиғи териб яйрайди дилим,
Ниначизор бўлар гўё кенг олам.
Узатилган қиздай кўмсаб келаман,
Отанинг уйига ўхшайсан, далам.

ОНАЛАРДАН БОШЛАНАР МИЛЛАТ

(Қизимга)

Баҳорга ўхшайди бу ёшда дунё,
Ёмғирлардек майин ўтади, қизим.
Мен ҳам шу туйғулар билан эш эдим,
Айтар сўзларимни тингла, гулюзим.

Менинг топганим сен, келажагим сен,
Мен иддис бўларман, сен эса дарахт.
Ўзим деб яшагга йўқдир ҳаққимиз,
Ахир, оналардан бошланар миллат.

Мурғак вужудинга ярашсин қувват,
Томирингда соғлом қон оқсин бутун.
Ўғлинг Алпомишу, қизинг Тўмарис,
Набиранинг Алтегин тугилмоқ учун.

Суйган йиғитлардан кўйган йиғитлар
Юсуф бўлмасинлар, бўлмасин Мажнун.
Билиб қўйил, сенинг зурриёдинга
Асл ота бўла ололсин бир кун.

Сен она бўларсан ўшанда, қизим,
Фарзандларинг номи бўлгга бир дoston.
Болалар Ватанга меҳрин бермасан,
Бахтиёрман, деа кўрма ҳеч қачон.

лари йиғидан қизарган Зулхумор опа Зебо-ни бағрига босди. У тилида синглисидан ўпқаласа-да, Зебонинг бахти очилганидан ба-риб хурсандлиги билиниб турарди.
— Бўлди-да опа, — қовоғини салгина уйиб гапирди Зарнигор.
— Вой сингилжоним-ей. Мен нима ҳам қила олардим, кўнглим шунақа бўлса...
Тўйхонадаги меҳмонларга кун ўтиши на-қадар қўзилган бўлса, Зебонинг хаёлида вақт шошарди. Бироздан сўнг машина сигналла-ри тор кўчани тутди. Зебо никоҳ маросими-га олиб кетгани кўёв келганини эшитиб, юра-ги қуш инидидаги полапондек типирчилаб, хан-сиреган қўйи, қалбини боғидан-да баттар сижолатлик қоллаб, хонага қўмилиб олди. Кейинги воқеалар эса унинг кўз ўнгидан яшиндек тез ўта бошлади. Никоҳ уйдаги тантана, сўнгра шаҳар кўчалари бўйлаб сайр ва ниҳоят...
— Аҳдамжон ўғли Комилжон, сиз Абдукарим қизлари Зебохонини шаръий никоҳингиз-га олдингизми?
— Олдим.
Тўр пардали ёпинчқ ичра ўтирган Зебо-нинг вужудида минглаб кумурсқалар ўрма-лагандек бўлди.
— Абдукарим қизлари Зебохон...
Зебо номус исканжасида титрар, қалти-рар, томоғи қуруқсаб, бурун катақлари кен-гайиб, биланар-биланмас хансирарди. Унинг қулоқлари кейинги гапларни эшитма-ди, аниқроғи, илғаш аҳволида эмасди. Фа-қатгина ён томонида дугонасининг чимчила-ши ва билагида енгил оғриқ турганидан сўнг билдики, ўзини ўнглаб олиши лозим.
— Розиман, — бу сас қанчалик оҳиста ай-тилган бўлса-да, ҳамма эшитди.
Дуо ўқилди. Фотиҳа қилинди. Кўёв маши-надан жой олганларидан сўнг келиннинг қулоғига:
— Кўп ҳам сиқилманг, ҳали кўрасиз, сиз-ни бахтли қиламан, — дея айтишга улгурди.
«Овози бирам ёқимли, — хаёлланди бир ой аввал онасидан «тўйинг бўлади» деган хабарни эшитгандан бери юрагига қил ҳам сиғмай қолган Зебо, — худди най навосига ўхшайди-я!»
Машина магнитофонидан ҳофизнинг дил-тортар қўшиғи майин тараларди. Боя йўлга тушганларида ҳам шу қўшиқ янграганди.
«Севги, бу нима ўзи, наҳотки сеҳри шу қадар жозибали, бир оғиз ширин калом, яна ёнингддаги хасми-ҳалолнинг тилларидан кўнгли тўқлиғи, дил ишончи билан айтил-са?». Зебо секин-аста юрак ютиб кўёвга тер-мўлди. «Қандай ўктам йиғит, — ботиний хаёлидан ўзи ҳам уялиб кетди, — Художон,

ОҚШОМ

Кеч тушди... қайдадир бақалар сайраб,
Атрофга таратар ажиб овозин.
Қайсидир бурчакда чигиртка яйраб,
Чертгиб-чертиб кўяр қадимий созин.

Қайдадир сарин ел кўзи илинган
Дарахтлар баргини шовиллатади.
Тушли ой — мусиқа таёғи билан
Безовта илгарни вовиллатади.

Қайдадир мушуклар оёқ учиди
Томнинг қовурғасин қитиқлаб ўтар.
Қайсидир жўмракдан оққан томчилар
Чинни ҳовузларга югуриб кетар...

Бу жозиб, фусунок, ёқут юлдузлар
Соҳир тун қизининг тақинчоғидир.
Балки юлдуз санаб ётган йиғитнинг
Субҳи содиққача овуноғидир?

ГАП

“Балиқ ҳам илгар тилидан...” ажаб,
Ўйлайман... бу гапда жуда кўп ҳикмат.
Ғазаб чоғида эй айтилмаган гап,
Сенга минг ташаккур, минг бора раҳмат!

“Гап келса отанг ҳам турмагил аяб...”
Ўйлайман... бунда ҳам маънолар қат-қат:
Жохилга қарши эй, айтилмаган гап,
Сенга минг маломат, сенга минг лаънат!

Бола чопиб қирда кўздан йўқолди,
Ё ёшим кўксимга сиғиб кетдим?
Будулар замнидан бўсалар олди,
Момикдай юзиндан хаёл ўлдими?

Варракмиди кўкда нуқтадек учган,
Балки, у сочинга вобаста юрак.
Бармоқмиди қалам белини кучган,
Нечун хуррак эмас, қаддингдек, малак?

Булоқнинг бошида ташналар каби,
Лабинг атрофида хатларинг чанқоқ.
Симирар зилолинг... бузилар таъбим,
Менга ҳам етарми? Жавобсиз сўроқ!

Умидимни узмам то сўнгги нафас
Кессалар-да туғни бермаган қўлдай.

Рустам МИРВОҲИД

ШАМОЛНИНГ ШАВҚИГА ОШНОМАН...



Юзимни силаган сочларинг эмас,
Ҳар толаси сенга элгувчи йўлдай.

Аммо, қай бирдан бораман, билмам,
Ҳар бири сиротдай қорлайди мени.
Яшнидлай ўтаман! Магар йиқилсам
Отаниннг қаридан топаман сени...

Фақат, бир андиша мени тинч қўймас,
Ишқим ул оташни куйдирмас, бас!

ТАШБЕҲ АЙЛАМА

“Эй, мени ўзингга “ташбех” айлама,
Сенга ўхшамайман, буни ўй тошга.
Ҳей, мени ўзингга “тажнис” айлама,
Ҳайҳот, жинсдош эсам, мазмуним бошқа!

“Иштиқоқ”миз дема, асло мумкинмас,
Ўзақлар ораси минглаб қаҳирим.
“Таносуб”миз дема, мутаносибмиз,
Сенинг кўз қиринг-ла, менинг кўз қирим.

“Таждоҳули ориф” каби ўзингни,
Билиб билмасликка соласан, тоқай?
Мудом “киноя”дан бошлаб сўзингни,
“Муболага”ларда қоласан тоқай?

“Ирсоли масал”дан қўлайми сенга,
Балки шундан кейин мендан ортарсан:
Қазими, қартама — фарқи йўқ менга,
Ким бўлсанг-да, бир кун зотта тортарсан.

“Танқис ас-сифат”дек ҳарир сифатлар,
Танқислашиб кетган ушбу дунёда.
Ғарибгина кўнглим излар шохбайтлар,
Топса... қолармикан мангу дунёда.

Бу савол шубҳага солар “ниҳом”дек,
Бу савол ташлайди ўту сув аро —
Мени... Лек нима бор лазиз илҳомдек,
Тангрининг нафаси келгандай гўё.

Ўша он... Самони остона билдиб,
Илоҳий ҳузурга ҳатлайди юрак.
Буюклар ўлтирар унда баҳс қилиб,
Ўша баҳсдан сенга “иқтибос” андак:

“Эй, мени ўзингга қофия кўрма,
На-да баёт ичра, на ҳаёт ичра.
Ҳей, мени сатрингга ҳам кўя кўрма,
Биз сен-ла биргамиз бир “газод” ичра!”

“ИЛТИМОС, СУЯНМАНГИЗ!”

Метро. Вагон. Эшик ойнасида
Бир жумла бор, эсланг, кўп ўйланмангиз.
Ҳа, ўша ўрнидиқ ёғинасида
Ёзилган: “Илтимос, суйанмангиз!”

Бу-ку, маъмурий эҳтиёт иши,
Йулочки нафи деб уни биттарлар.
Ва лекин кўп ҳолда аксари киши
Эшикка суйаниб бефарқ кетарлар...

Майли, танқид нечун, азизим, сизга,
Шундоқ ҳам танқиддан кўксимиз тўлди.
Кўрқаман, лек, бир кун бир-биримизга:
“Илтимос, суйанмангиз!” демасак бўлди.

— Қолганини, — деди, — ерни ҳужжатлаш-тиргандан сўнг оласан...
Бурнига шапалоқдек кўзойнакни қўндирган нотариус сотилган томорқани Толибжон отанинг номига расмийлаштириб бергач, қария чуқур тин олди. Тер босган, ҳадик уфуриб турган юзида табассум уйғонди...

Орадан йиллар ўтди. Қобилбекнинг отаси, барибир ўнланмади. Унинг чар томон бўйраги ишламай қолган, шу боис операция қилиб олиб ташланганди. Шундан сўнг бемор бир йилча яхши юрди. Бироқ қутилмаганда тақдир ундан иккинчи бўйрагини тортиб ола бошлади. Ҳа, Қобилбекнинг отаси яна кўрпа-тўшакча милдан-Танасида оқиб турган қонига вирус юкди. Буйраги ишламай қолган, танадаги захарли чи-қиндилар тозаланмас экан. Оқибатда вируслар қонга ўтди. Қобилбек отасининг дардига шифо излаб Тошкентга борди. Бир аппарат бор экан. Одамнинг бир томон билагидан қон олиб, ик-кинчи томонга тозалаб ўтказар экан. Лекин бу билан ҳам бўлмади. Беморнинг жони қийналди. Кекса беморнинг умри шу тахлит якун топди. Унинг умри сўнгидеги дардди холи Толибжон отага қўл келганди. Қария шунчаки, пулни банд қилиб қўйиш учун томорқа сотиб олганди. У ер-нинг нархи борган сари ошишини чамаларди.

Тўрт йил деганда Қобилбекнинг омади чога бош-лади. Ниҳоят унинг ҳам елкасига оғриқ теғди. Сав-до қилиб бири икки, минги туман бўлди. Бойи-ди, бироқ ҳали ҳам яшаш учун дурустрок ҳовли-жойи йўқ эди. Шунда тўйқус унинг хаёлига қайтариш шарти билан сотиб юборган томорқаси келди.
— Бува, — деди Толибжон отани, қария бу палла саксон ёшга кирганди, — биз ҳам сиздек қариб юрайлик. Худого шукр, сиз берган пул билан елкамадаги юкни аридим. Аммо отаниннг умрлари қисқа экан, пешонамизга сигмадилар.
— Умрингдан барака топ, болам, — ширин тил билан сўзлагди ота, бироқ у Қобилбекни остона-сига келганини кўргани ҳамонқо ранги-қўти ўчиб бўлганди. — Аллоҳ жонни ўзи беради, омонати-ни қайси пайт олиш ҳам унинг измида. Отанг яхши одам эди.
Қобилбек қалбида имони бутун қарияга миннатдор боқди.
— Энди, томорқани қайтариб берсангиз, бошқа жойдан ҳовли сотиб олишимиз ҳам мумкин-у, аммо, ўзбекчилик экан, сизга берган ернинг тафти кўмсапти.
— Берган эмас, ўғлим, сотганман денг, — Толибжон отаниннг авзойи бузилди. — Ўша пайтлари ер нисбатан арзон эди...
— Майли, ер учун қанча сўрасангиз берай...
— Ҳўп, дердим-у, аммо, ўғлим кўнмайди-да.
— Ота, ахир шартлашмади-куй?
— Тўғри, лекин орадан қанча суварлар оқиб ўтди, бу кунга келиб ўша ер менга ҳам қадри бўлиб қолган...

Қобилбекнинг тарвузи қўлтигидан тушди. Боиси, у томорқани қайтариб олиш учун ҳеч қандай қонуний асосга эга эмасди. Бироқ...
Орадан уч ойча вақт ўтиб, Толибжон отани ўша Қобилбекдан сотиб олган томорқанин ён тарафидеги девор бошиб қолдию ажали етган экан, ўмрови синиб кетиб ўлди.
Тазияда Қобилбек ҳам эл қатори қўл қовуш-тириб турарди. У уламоларнинг марҳумнинг бир-ровда қолган ё берар қарзи бор-йўқлигини сўра-ётган паллада бир бошқача бўлди. Ва шу захоти ичида гапиринди: астағфируллоҳ, товба-товба. Ер эшитмасин, бориб айтмасин. Оғринмасин...
— Сиздан розиман, — деди пичирлаб Қобил-бек. Биров бу гапни эшитди ё эшитмади. Кет-мону белкураклар тупроқларинг чангини кўтар-ди. У бағри куюк кишиларнинг охларидан яра-ган тўзонга ўхшарди...

ЎТАР ДУНЁ

— Қобилбек томорқасини сотармиш.
Бу англикни эшитган Толибжон ота ороми-ни йўқотди.

— Узимизнинг маҳалла, — деди, — тошиям, қесагим узимизники. Четдан бирор киши келиб қошиқ солмаслиги керак.

Қариянинг юрагида шундай хоҳиш уйғонди. Ана шу туйғу аста-секин бутун вужудини камраб олди. Худого шукр қилди. Яхшиям ўғли Соли-жонни ўқитиб қўйгани. Ҳисобчи бўлиб ишлаяп-ти. Одамлар эртаю кеч далада кетмон чопиб, кафти қавариб ишлаяпти. Солижон эса қаламини бир айлантисра кифоя. Бу-ларнинг баридан, энг аввало, Толиб-жон ота наф кўради. «Фарзанднинг ҳузурини деб шунга айтсалар керак-да», ўйлади ота.

— Ўзи нима учун сотаркан? — мошғурч соқолини тутамлаб қўшни йиғитни сўроққа тутди чол.

— Отасини операция қилдириши керак экан.

— Хотини-чи, у ҳам розимикан, жўжа-бирдай жон эди. Нақд тўртта боласи бор-а! — мулоҳаза қилди қария. Унинг аввало, ўйлагани Қобилбекнинг оила-си эмас, балки унинг хотини эртага хар-хаша қилиши мумкинлиги эди. Ҳа, чол ўз тинчинни кўзлаётгани аниқ эди.

Толибжон ота кечки пайт бошига ташвиш туш-ган ва анчайин харажатга гирифтор бўлаётган, шу боис ўтган асринг тўқсонинчи йилларида то-морқа сифатида берилган ерни сотмоққа шай турган Қобилбекнинг эшигига борди.

— Келинг, ота, — чолни Қобилбекнинг ўзи қаршилади. Гарчи айни дамда меҳмон-га кўзи учиб турмаган бўлса-да, ўзбек-чилик, меҳмон — атои Худо. — Ичқари-га марҳамат!

— Раҳмат ўғлим, умрингиздан барака топинг, кўп яшанг, — деди одамнинг лафзи ярим ризки эканини жуда яхши англаган қария, — дўстим тузумкилар?

— Буйрақлари операция қилинмаса бўлмас экан.

— Э, чакки бўпти-ку, аттанг, — гарчанд бу ҳақида аввалроқ эшитган бўлса-да, бироз ажаб-ланиб ва ташвишланганнамо бош чайқайди То-либжон ота. — Энди нима қилмоқчисиз?

— Пул лозим, уйда икки жуфтгина туёқ йўқ. Кўз тикканим ўн сотихли томорқа, холос. Шуну пулласам... Агар вақти келиб томорқани ўзимга қайтариб сотадиган киши бўлганида яна ҳам яхши бўларди. Ҳозир қўлим қалта, башарти шунақа ха-ридор учраса, томорқани арзонроққа ҳам бериб юборардим.

Бу гап қариянинг шундоқ ҳам ховурлардан тахликага тушган қалбига ўт пурақди.

— Майли болам, — деди, — бандасининг боши — Оллоҳнинг тоши деганлар. Отангизни рози қилсангиз, саодатга эришасиз.

Толибжон отаниннг баъзани фикрларидан сўнг Қобилбекнинг унга нисбатан ҳурмати яна ҳам ошди.

— Шояд, — ўйлади у, — ана шу имон-этиқодли киши томорқани олса, бир кун келиб, ахволим ўнганлаб менга, албатта, қайтариб беради.
— Томорқанини кун келиб қайтариб бераман, десам, ҳеч бўлмаганда бир-икки миллион ютишим мумкин», деб ўйларди Толибжон ота бу етди.

Келишдилар, Қобилбек рози бўлди. Унинг тасарруфидеги ер ўн миллионга баҳо бўлди. Эртасига эса Толибжон ота пулнинг ярмини берди.

бахтимдан айланай.

Айни дамларда қиз бўлиб ҳали бирор йи-гитга қўлини ушлатмаган келинчак ва йиги-рма беш ёшга кириб, беш йил университет-да таҳсил олган, не-не хурлиқо қизлар бил-ан тўқнаш келса-да, одоб деворини йиқит-маган кўёв ўртасига фаришталар бир ило-хий нурдан муҳаббат, меҳр ва вафо уругини соғардилар... Бир пайт Зебо нозик бармоқ-ларини тутган қўллар тафтини сезди, хис қилди, уларда ҳам титроқ бор эди. Хижолат-дан қўлларини тортиб олди.

— Мени кечиринг!
«Кечиринг, — яна хаёллади Зебо, — бун-ча майин, хокисор эшитил-маса бу сўз». Зебо кўнгли-нинг туб-тубидан эркалаб келаётган туйғулар ичра, хаёлот дунёси бахт манзи-ли сари тортиқлаётган фикрлардан чалғишга ури-нар, аммо, бунинг урдаси-дан чиқолмай қолганди.

Агар айни дамда «дунёда-ги энг ёқимли сўз қайси?» деб сўрашса, Зебо ёнида-ги йўлдошининг оғзини пойлар, интиқлик билан кутарди. Кутишдан чарча-масди. Йўқ, у ёрига шу сўзни такрорланг, деб қи-сқаланг қилишдан йироқ эди. «Тақдиримдан айланай!», деб суюнди, сўнг кўзлари ёшланди, қулгичи икки ёнга ёйилди Зебонинг...

Келин-кўёв никоҳ маросимидан қайтиб келганларида боядан бери кўнгли қизидан хавотирда турган Зарнигор опа ич-қарига ўзини урди. Бир он ўтиб қаршисида Зебо пайдо бўлди. Че-қарси очик. Лекин нигоҳини онаси-дан олиб қочарди. Зебо онасини маҳкам қучоқлаб, юзу кўзларидан ютоқиб-ютоқиб ўпди.

— Ҳамма-ҳаммаси учун раҳмат ойи, мен-дан рози бўлинг, меҳробиним...

Зарнигор опа қизининг руҳиятидаги ўзга-ришдан лол қолди. «Ҳамма-ҳаммаси учун, де-димиз?» Табассум билан Зебога тикилди у. Зебо онасининг таъқибидан уй ичига томон қочди...

Мана ўша воқеага ҳам беш йилдан ошди. Бу орада Мирзоҳид ва Зебо икки фарзандли бўлдилар. Ўғиллари Комрон, қизлари Гулҳаё бамилоли икки қанотлари. Яқинда машина олишди. Мирзоҳид ёз фаслининг ўртасида ота-онаси ва қайнота-қайнонасини олиб, На-най тоғига саёхатга олиб чиқди. Узоқдан ви-қор билан Кўксарой кўзга ташланарди. Мир-зоҳид яна эвини қилди. «Сизга ва дадамга раҳмат, ойижон!» дея дил изҳорини билди-рди. Зулхумор опа ҳайрат, қувончдан лол бўлиб қолди. Кўёвининг бошидан меҳр билан сил-ларкан юрагининг туб-тубидан: «Умрингиздан барака топинг, болам!» деган тилак отилди. Зебо қайнона-қайнонаси келишига аччиққи-на мастава тайёрлаб турарди.

— Дадажон, ойижон, чарчамдангизми? — деди у ўша ибюю, ўша андиша билан, қайно-насининг маҳсисини ечиб, кафтига илиқ сув қуяр экан.

— Раҳмат, она қизим, илоҳим имон бойи бўлинг, Худоё икки дунё камлик ва зорлик кўрманглар.

Бу чинакам бахт эди. Соф ўзбекона ҳаё ва андиша келтирган бахт.

Алижон ЖўРАЕВ



Толибжон ота кечки пайт бошига ташвиш туш-ган ва анчайин харажатга гирифтор бўлаётган, шу боис ўтган асринг тўқсонинчи йилларида то-морқа сифатида берилган ерни сотмоққа шай турган Қобилбекнинг эшигига борди.

Икки ҳақоя

— Раҳмат ўғлим, умрингиздан барака топинг, кўп яшанг, — деди одамнинг лафзи ярим ризки эканини жуда яхши англаган қария, — дўстим тузумкилар?

— Буйрақлари операция қилинмаса бўлмас экан.

— Э, чакки бўпти-ку, аттанг, — гарчанд бу ҳақида аввалроқ эшитган бўлса-да, бироз ажаб-ланиб ва ташвишланганнамо бош чайқайди То-либжон ота. — Энди нима қилмоқчисиз?

— Пул лозим, уйда икки жуфтгина туёқ йўқ. Кўз тикканим ўн сотихли томорқа, холос. Шуну пулласам... Агар вақти келиб томорқани ўзимга қайтариб сотадиган киши бўлганида яна ҳам яхши бўларди. Ҳозир қўлим қалта, башарти шунақа ха-ридор учраса, томорқани арзонроққа ҳам бериб юборардим.

Бу гап қариянинг шундоқ ҳам ховурлардан тахликага тушган қалбига ўт пурақди.

— Майли болам, — деди, — бандасининг боши — Оллоҳнинг тоши деганлар. Отангизни рози қилсангиз, саодатга эришасиз.

Толибжон отаниннг баъзани фикрларидан сўнг Қобилбекнинг унга нисбатан ҳурмати яна ҳам ошди.

— Шояд, — ўйлади у, — ана шу имон-этиқодли киши томорқани олса, бир кун келиб, ахволим ўнганлаб менга, албатта, қайтариб беради.
— Томорқанини кун келиб қайтариб бераман, десам, ҳеч бўлмаганда бир-икки миллион ютишим мумкин», деб ўйларди Толибжон ота бу етди.

Келишдилар, Қобилбек рози бўлди. Унинг тасарруфидеги ер ўн миллионга баҳо бўлди. Эртасига эса Толибжон ота пулнинг ярмини берди.

ОЙДИНБУЛОҚ

Ойдинбулоқ, Ойдинбулоқ,
Чиройлисан сойдин, булоқ,
Нилуфарлар ўсиб ётган
Кўз ёшларинг қайдин, булоқ?

Тунда гўё тўлин ойсан,
Оймомолар кўнган жойсан,
Соқин-соқин оқин билан
Менинг умримга ўхшайсан.

Кутганмидинг мени бир кун,
Дарларингни бўлишмоққа?
Қара, мен ҳам Ойман, бутун
Келдим ойдек тўлишмоққа.

Диллашайлик, Ойдинбулоқ,
Тиллашайлик, Ойдинбулоқ,
Сенга ташна бўлиб келдим,
Олис-олис жойдин, булоқ,
Ойдинбулоқ, Ойдинбулоқ.

МАНЗАРА

Қоп-қора чойшабдай ёпирилар тун,
Вафолор тозилар тортади сергак.
Ҳид уриб, тарсиллаб ёрилар қовун,
Тулқилар кучукни қилади эрмак.

Курбақа кеккайиб боқар панадан,
Чор ёқда чигиртка қилар хархана.
Матад эшаётган пашшахонага
Энтикиб бош суқар хира чўлашана.

Топшонар ослиб ётар милтиллаб,
Шаббола аслиб тугилиб қолар.
Сувсираган эски ҳовузда, энлаб



Шу йилнинг 23-28 июн кунлари бўлиб ўтган "Сени куйлаймиз, замондош!" республика кўрик-танловда томошабинлар эътиборига мамлакатимизнинг иккита театрида саҳнага куйилган битта асар ҳавола этилди. Ўзбек миллий академик драма театри ва Олим Хўжаев номидаги Сирдарё театри жамоаси томонидан саҳналаштирилган бу асар таниқли драматург Рихсвий Муҳаммаджоновнинг "Ойдин" пьесасидир.

Авалло, пьеса ҳақида. Айнан бугунги кун қаҳрамони — замондошимиз образи яратилган, даврнинг муҳим сиёсий-ижтимоий мавзуси маҳорат билан очилган ушбу асар республикамизнинг бир неча театрларида саҳналаштириш учун қабул қилинган. Чуқур драматизмга эга мазкур асар қаҳрамонларнинг ҳар бири ўз характери, таржимаи ҳолига эга. Бош қаҳрамон Ойдин телеэкранда долзарб мавзуларда тайёрланган тахлилий кўрсатувлари орқали элга танилган ёш журналист, шу куннинг одами. Муаллиф қаҳрамонни мураккаб драматик вазиятларга рўбарў қилади ва уни мушкул синовлардан ўтказиши билан одам савдоси жабрдийдалари учун ташкил этилган республика реабилитация марказидан телерепортаж уюштиришни режалаштиради. Нодира ва Чарос исми қизлар билан суҳбатлашиб, уларнинг ўзлари телекамера рўпарасида кўрган-ке-

рофида драматург, актёр, rassom ҳамкорлиги вужудга келганининг гувоҳи бўламиз. Режиссёр Бахтиёр Тўраев драматик театрнинг мағзи, маъно-мазмуни — сўз ва сўзда ифодаланган муаллиф фикрида деб билган. У пьесани саҳналаштиришга қўл ураётган экан, асарнинг етакчи госяни аниқ-тиниқ белги-

БИР АСАРНИНГ ИККИ ТАДҚИНИ

лаб, одам савдоси билан шугулланаётган нопок кимсаларга қарши курашувчи замондошимиз образини яратишни мақсад қилган. Бу гоёна саҳнада мужассамлаштиришда, биринчи галда, драматургик асосга таянган. Муаллиф билан ижодий ҳамкорлик жараёнида асар қаҳрамони Ойдиннинг турмуш ўртоғи Самандарнинг қизлар билан учрашув саҳналарини имкон қадар ихчам ҳолга келтирган. Актёрларга рол тақсимлашда ҳам образлар моҳиятидан келиб чиққан. Чунинчи, Хуршида ва Самандар образларига тажрибали актриса Раъно Юнусова ва ёш актёр Шерзод Каттабобовни танлаб хато қилмади. Реабилитация маркази тиббий ходимаси Мастура (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган актриса Мавлуда Маматиллахонова), ёш қизалоқ Махлиё (Хуснида Абдусаломова)лар ҳам спектакл иштирокчилари сифатида воқеалар ичида ҳамда ўзаро муносабатларда табиий ва уйғун ҳолда намойён бўладилар.

Ойдин образини истеъдодли актриса Дилором Мирсолиева маҳорат билан яратган. У саҳнавий ижро воситаларини ўз ўрнида қўллади. Актрисанинг хатти-ҳаракатларида, сиртдан қараганда, бош қаҳрамонликка даъво йўқдек. Оқдйи ва камтарин кўринган бу ёш журналистнинг гап оҳанглирида, суҳбатдошларига синчков боқишида касбининг устаси эканига ишоралар мавжуд. Ойдин — Д.Мирсолиева оғир-босиқ, камгап, аммо ҳар бир гапини шундай гапирдики, ундаги ишонч ва иродани суҳбатдошлари хис этмай қолмайдилар. Унинг Чарос ва Мадинанинг аччиқ ҳикояларини жон қулоғи билан тинглай олиши, чуқур боқишлари, тикилиб қолишлари саҳнавий ҳаракат вазифасини ўтайди. Чароснинг "Самандарнинг хотини ўзини бахтиёр деб ҳисоблармикан?", деган саволига Ойдин — Мирсолиева ички бир дард билан, ўзига-ўзи гапиргандек, "Шу бугунча бахтиёр эди, шундай деб ҳисоблар-

ди", дейди ва интервью саҳнасига нукта қўйиб, гап оҳангини кескин ўзгарилади. "Сухбатимиз яхши ўтди, ҳаммангизга раҳмат!" деб операторни эргаштириб, шиддат билан чиқиб кетади. Ушбу дақиқада Ойдин қандайдир бир қарорга келгани аниқ. Актрисанинг чуқур маъноли ижроси томошабин-

Шахсий мулоҳазалар

ни "Энди нима бўларкин?" дея қизиқиш билан кутишга ундайди.

Сирдарё вилоят театри спектакли кўриктанловда вилоят ва пойтахт театрлари ижодий ходимлари томонидан эътироф этили-

Рустам Ҳамидов каби режиссёрлар драматурглар билан ишлашда юксак маданиятларини намойиш қилганлар.

"Ойдин" спектаклини саҳналаштириш жараёнида эса айнан муаллиф фикри билан ҳисоблашмаслик йўлидан борилгани ўзини оқламаган. Агар бу ҳол охири-оқибат спектаклнинг тўлиқ муваффақиятини таъминлаганида эътирозга ўрин қолмасди. Афсуски, муаллиф билан ҳамкорлик жараёнига жиддий ёндашилмагани томошанинг умумий савиясига салбий таъсир кўрсатган.

Авалло, спектаклнинг тасвирий ечимини ишлашда пьеса мазмунидан келиб чиқилмаганини айтиш лозим. Режиссёрнинг ўзи ҳам ҳаммуаллиф бўлган саҳна безагини ташкил этувчи катта-кичик шаклдаги кублар (уй ҳам куб, реабилитация марказидаги жихозлар ҳам куб) нимани англатиши томошабинга тушунарли бўлиб қолган. Қолаверса, асар бир неча хотимадан иборат. Хусусан, спектакл сўнггида жабрдийда қизларни залга тушириб, кўз ёшларини оқизиб, томошабинлар орасидан намойишқорона олиб ўтишдан ҳаётини ва бадий мантқиқ топиш мушкул.

Спектаклнинг асосий қаҳрамони Ойдин бўлишига қарамай, воқеалар жараёнида бу образ иккинчи даражага тушиб қолган. Ойдин (Зилола Набиева) одам савдосидан жабр кўрган Нодира (Азиза Шарипова) ва Чарос (Нигина Анорбоева)нинг катта экрандаги "нутқлари", аламли қичқиришлари, "алла" айтишлари соясида қелиб қолган.

Маълумки, ҳар қандай томошанинг асосий юкни ижрочи-актёр кўтарилади. Шу ўринда асосий қаҳрамонлардан бири — Самандар образини яратган ёш истеъдодли актёр Миролим Қиличев маҳоратини қайд этиб ўтишни истардик. Актёр ўз қаҳрамонининг руҳиятига киролган, хатти-ҳаракатлари, юз ифодалари айни воқеа кечаётган жараёнга мос. Самандар — М.Қиличев ўзини қаерда қандай тутишни, кимга қай оҳангда мурожаат қилишни билади. М.Қиличев ижросидаги мазкур образ мухлислар ва мутахассисларда ҳам яхши таассурот қолдиргани бежиз эмас. Афсуски, бошқа образлар ўз эгасини тополмаган. Аксарият роллар ёшларга ишониб топширилгани яхши, албатта. Бироқ Миллий театрдан кўрик-танлов учун тавсия этилган спектаклга тажрибали санъаткорларни кўпроқ жалб этиб, ёшлардан иккинчи таркиб шакллантирилса, мақсадга мувофиқ бўлармиди? Асосий қаҳрамон Ойдин, жабрдийда қизлар Нодира ва Чарос образлари бир қадар туссиз бўлиб, мезъерига етмай қолгани бунинг

далидир. Пьесадаги етакчи образлардан Хуршида драматургия мантқиғига зид ҳолда намойён бўлган. Гўзал қиз-жувонларни пул эвазига хорижга сотиш билан кун кўрайдиган бу аёл пьесада (махсус ремарка билан) талкин жиҳатдан ёқимли, хушмуомала, аслида ҳеч қачон яхшилик қилиб бўлмайдиган шахс сифатида тасвирланган. Яъни, бу аёлни кўрган, гаплашган одамларда дарҳол унга нисбатан ишонч уйғониши, қандай қилиб унинг домига тушганини билмай қолиши керак. Миллий театр спектаклида эса Хуршида (Нодира Маҳмудова) қора кўзойнақ тақиб, алламбало кийим кийиб саҳнага кириб қелиши биланоқ одамларни ўзига тортидиган аёл эсмаслиги яққол кўзга ташланади. Бунинг устига хотимада Хуршидани пьеса қаҳрамонларидан бири Самандар (Миролим Қиличев) бўғиб турган бир ҳолатда саҳна кўриниши яқунланади. Ваҳоланки, репетиция жараёнида Самандар Хуршидани ўлдириши керак эди. Муҳокама чоғида ўлдириш саҳнаси маъқул топилмагач, режиссёр шу вариантни ўйлаб топган. Режиссёр спектакл концепциясини пухта ўйлаб чиқмагани шу мисолнинг ўзида яққол кўринади.

Албатта, ҳар қандай спектаклда маълум камчиликлар бўлиши табиий. Сирдарё теат-



«Аёл қадри» спектаклидан кўриниш.

чирганлари ҳақида гапириб беришларига эришади. У шу усул билан соддадил қизларни алданиб қолмасликка, ҳўшёр бўлишга даъват қилишни мақсад қилган.


Маълумки, театр спектакли турли санъатларнинг ўзаро бирикуви натижасида юзага келади. Яъни актёр, драматург, rassom, бас-такор ва бошқа ёрдამчи гуруҳларнинг ижодий изланишлари режиссёр раҳбарлигида аниқ белгиланган гоёвий мақсад асосида ўзаро уйғунлашган тақдирдагина яхши спектакл дунёга келади. Шу нуктаи назардан, Сирдарё вилоят театри саҳналаштирган «Аёл қадри» спектакли нафақат ушбу кўриктанловда, балки замонавий ўзбек театри амалиётида ибратли воқеа бўлди, деб айтиш мумкин. Спектакл, аввало, самимиети, персонажлар хатти-ҳаракатларининг ҳаётлиги, табиийлиги билан диққатни жалб этади. Томошанинг бадий ечимида барча таркибий қисмлар пухта ўйлашиб, режиссура ат-



«Ойдин» спектаклидан лавҳа.

рида Бахтиёр Тўраев саҳналаштирган спектаклда ҳам нуқсонлар йўқ эмас. Томошада ҳаваскор ижроларда қатнашгани сабабли баъзи саҳналарда мезъерига етмаган диалоглар, хатти-ҳаракатларда сохталиклар кўзга ташланади. Бироқ, умуман олиб қараганда, спектакл томошабинда яхши таассурот қолдиради. Муаллиф билан ҳамкорликда иш олиб борган режиссёр асар гоёсини тўғри тушуниб, саҳна асарининг барча компонентларини уйғунлаштиришга эришган. Миллий театр спектаклида эса биз ана шундай ҳамкорликни кўрмадик. Уйлашимизча, ижодкорлар пьесанинг ич-ичига кириб, спектаклнинг яхлит кифасини яратиш ишга киришганида "Ойдин" спектакли саҳнада мукамал намойён бўларди.

Тоир ИСЛОМОВ,
театр устаси,
санъатшунослик
фанлари номзоди



Халқ кўшиқлари ёки чолғу куйлари санъатга ошuftа қалбларни боғловчи ришга. Зеро, жозибали куй ёки ашула, алла ёки лапар юракларга эзгулик уруғларини сочади, халқнинг ҳар бир мусиқа асари миллат қадриятларини ифода этади. Матндаги жўшқинлик, оҳангдаги дилбарлик, соддалик, одамлар кўнгалдагидек қилиб айтишга интилиш халқ ижодиёти услубининг бош йўналишидир.

Қадимий ва бой маданияти билан жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган халқимиз томонидан яратилган номоддий маданий мерос дурдоналари бугун ҳам бево-сита жонли, оғзаки ижро, урф-одат

Қорақалпоғистон Республикаси бўйича номоддий маданий мерос объектларини тўплаш ва аудио, фото, видео ёзувларга муҳраш, ижрочилар, маросим ва урф-одатлар ҳақида маълумотлар йиғиш

лакатимизнинг ҳар бир ҳудудда ўзига хос ўланчилик аъёналари мавжудлигини ва ҳозирга қадар жонли ижро услублари сақлаб қилинаётганини намойиш этди. Ўлан халқ ижодиётининг қадимий

Халқ ижоди — хазина

қўшиқчилик жанри бўлиб, номоддий маданий мерос хазинасининг ноёб дурдонасидир. Асрлардан асрларга ўтиб, сайқалланиб, гўзал куй шакллари, содда ва тереан мазмуни билан бизгача етиб келган

сазовор бўлган ўланчилар етишиб чиқди. Ҳозирги кунда ўлан санъати Жиззах, Сирдарё, Навоий, Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ва Фарғона водийсида кенг тарқалган. Ўлан ва лапар шакл жиҳатидан бир хил бўлиши мумкин, лекин ҳар бир ҳудуд ўзининг ижро услуби, мазмуни, куй-оҳанг тузилиши билан ажралиб туради.

Боғда бўлиб ўтган фестивалда Тошкент, Андижон, Бухоро, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ўлан ҳамда лапар ижрочилари ўз дастурлари билан иштирок этдилар. Мазкур вилоятлар ўланчилигининг ўзига хос қирралари, ижро йўллари ва оҳанг тароватини намойён этган кўшиқлар тингловчилар олқишига сазовор бўлди. Анжуман доирасида «Ўлан айтгани келдик» деб номланган (муаллифлар: Маматқул Жўраев, Ўткир Тоҳиров ва Шаҳодатбону Йомназарова) китоб тақдимоти ўтказилди. Китоб турли ҳудудларда халқимиз орасида кенг тарқалган ўлан намуналари ёзиб олинган аудиоқасб билан бирга тақдим этилди. Фолклоршунос олимлар, соҳа мутахассислари ва қатнашчилар иштирокида ўтган «Номоддий маданий мерос — халқ дурдонасидир» мавзусидаги давра суҳбати барча иштирокчилар учун муҳим назарий манба бўлди.

Ўтказилган тадбирлардан келиб чиқадиган ҳулоса шуки, қўшиқ ўзбек халқининг донишмандлиги, улкан ижрочилик санъати маҳсулидир. Ёш авлодни юксак маънавиятли, баркамол инсон қилиб тарбиялашда, уларда миллий қадриятларимизга ҳурмат-эътиқодни шакллантиришда номоддий маданий меросимиз бўлган халқ ижоди дурдоналарининг ўрни беқийёс. Хусусан, халқ кўшиқлари — муқаддас мерос. Уни муҳофиза қилиш, асраш ва тарғиб этиш ҳаммамизнинг бурчимиз.

Рустамбек АБДУЛЛАЕВ

ЎЛАН АЙТГАНИ КЕЛДИК

ва маросимлар, фолклор ва мумтоз мусиқа, томоша ва ракс санъатлари, халқ ўйинлари, хунармандлик аъёналари тарзида ривожланишда давом этмоқда. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги республика Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик марказининг асосий фаолияти халқимиз томонидан асрлар давомида яратилган ана шундай улкан ижод намуналарини изчил тарраққий эштириш, номоддий маданий мерос дурдоналарини тўплаш, илмий ўрганиш ва тарғиб этиш борасидаги эзгу ишларни кенг қўламада оммалаштиришга қаратилган.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2010-2020 йилларга мўлжалланган номоддий маданий мерос объектларини муҳофиза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш" Давлат дастури мамлакатимизда номоддий маданий мерос дурдоналарини асраб-авайлаш, илмий тадқиқ этиш ва кенг қамровда оммалаштириш ишларига катта имкониятлар очиб берди. Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги байрам арафасида Навоий, Бухоро ва Хоразм вилоятлари ҳамда

мақсадида илмий экспедиция уюштирилди, Хива ва Нукус шаҳарларида номоддий маданий меросни инвентарлаштириш масалалари бўйича илмий-амалий семинарлар, катта ашула ва мақом ансамбллари ижрочилиги бўйича кўрик-танлов ўтказилди.

Пойтахтимиздаги Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган «Ўлан айтгани келдик» номли фолклор санъати байрами ана шундай тадбирларнинг бири бўлди. Бу анжуман мам-

халқ кўшиқлари, чолғу куйлари, ашула йўллари ва ўлан лапарлар ҳанузгача халқимиз мусиқа ижодиётининг улкан намуналари ҳисобланади. Бу кўшиқлар мазмун моҳиятига кўра баркамол шахсни тарбиялашнинг муҳим воситаларидан биридир. Ўлан санъатини қадимий жанр сифатида қайта тиклаш борасида олиб борилган сайё-ҳаракатлар натижасида ангрелик Турдиали Пардаев ва Кимёхон Қосимхонова, учқўприклик Содикжон Ҳасанов сингари эл олқишига

“МОЗИЙДАН САДО”

Журналнинг Ўзбекистон мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган учинчи сони босмадан чиқди. У Зафар Ҳакимовнинг "Маънавий юксалиш одимлари" мақоласи билан очилади. Муаллиф азалий қадриятлар ва аъёналар негизидан шаклан миллий, мазмуна умуминсоний қадриятларга йўғрилган, мамлакат ҳаёти ва замон билан узвий боғланган, байналминаллик гоёсига асосланган мустақил Ўзбекистон санъати ва маданиятининг юксалиш босқичлари ҳақида ҳикоя қилади.

Ақбар Ҳакимовнинг "Ўзбекистон бадий хунармандлиги мустақиллик даврида" мақоласида халқ аъёнавий хунармандлигини қўллаб-қувватлаш бўйича ҳукумат томонидан катта ишлар қилинаётганлиги таъкидланади. Хайрулла Султоновнинг "Қарши — Буюк Ипак йўлидаги шаҳар" мақоласида айтилишича, Қашқадарё дарёсининг қуйи оқимида жойлашган Қарши шаҳри қадимда ва ўрта асрларда Никшапа, Ксениппа, Нахшоб, Насаф деб аталган. Қадимги Никшапа аҳамонийларгача даврдёқ сўғд тамаддунининг асосий марказларидан бири эди. Қарши ўз даврида Аҳамонийлар, Искандар Мақдуний, Сосонийлар давлати таркибига бўлган. Шаҳарнинг муҳим стратегия ва савдо пункти сифатида гуллаб-яшнаши Амир Темур ва Темурийлар ҳукмронлиги даврига тўғри келади.

"IX-XI асрларда ўзбек мусиқа маданияти" мақоласида Оқилхон Иброҳимов ушбу даврда касбий мусиқа қатлами юксалгани, мусиқа илми фан

сифатида узил-кесил шаклланиши, ислом Шарқда муштарак мумтоз мусиқий қадриятлар, яъни мақомлар тизими қарор топгани ҳақида ҳикоя қилади.

"Қайта кадр топган қадриятлар" рукнида берилган М.Аҳмедов ва

Журналларни варақлаганга

С.Маноевнинг "Амир Темур мақбараси" номли мақоласида Амир Темур мақбараси мажмуасининг шаклланиш тарихига оид янги маълумотлар ҳақида гап борса, Ориф Салимов мақоласида эса XV-XX асрлар оралиғида Самарқандда барпо этилган Нодир Девонбеги меъморий мажмуасининг яратиши ҳамда ушбу мажмуада Нодир Девонбеги томонидан қурилган мадраса ҳақида ҳикоя қилинади. Шунингдек, муштарийлар М.Жўраевнинг "Алломиш" дostonи-нинг

Сурхондарё талқинлари", З.Зои-ровнинг "Чағоний тарихи", А.Зиёевнинг "XIX аср охири — XX аср бошида Термиз", Э.Мирза-алиевнинг "Муғнона — оташпарастлар даҳмаси", Ш.Ашуровнинг "Хусам ота меъморий мажмуаси", К.Ҳикматуллаевнинг "Тошкент метросининг бадий беағи" каби мақоаларини ўқиб меъморчилик, археология, халқимизнинг ўзига хос аъёналарию қадриятлари ҳақида маълумотларга эга бўладилар. "Янги китоблар" рукнида Б.Қари-мовнинг Шомирза Турдимовнинг "Этнос ва эпос" китобиға тақризи ҳам ўқувчиларда қизиқиш уйғотади.



Сугдиёна ШУКУРОВА

ҲИЙНҚАРОҚ АКА-УКА



Тошкентнинг ажайиб кўчаларидан бирида уч ака-ука яшаган экан. Улар — энг каттаси Трамвай, ўртанчаси Троллейбус ва кенжаси Автобус исми болакайлар экан. Учаласи ҳар куни мактабга боришар, у ерда йўл белгиларини ўрганар эканлар. Трамвай билан Троллейбус бироз шўхрок, Ҳийнқароқ бўлганликлари учун баъзида мактабдан чиқиб, кўчаларда кезиб юришар ёки бошқа

ўртоқлари билан кимўзарга пойга ўйнаб, уйга кун ботганда кириб келишар экан. Буни кўриб онасининг жажли чиқар, ўғилларининг қулоқсиз эканлигидан хафа бўларкан.

Бир куни мактабда устозлари уларга йўл белгиларининг турлари ва вазифаси ҳақида дарс ўтибди. Ўқувчиларга уй вазифа қилиб йўл қодаларини ўрганиб, белгиларни шарҳлаб келишларини тайинлабди. Дарслар тугаб, улар мактабдан қайтишавтганида, бошқа синфда ўқийдиган дўстларини кўриб қолишибди. Уларнинг дарси эрта тугагани сабабли мазза қилиб майдончада пойга ўйнашаётган экан. Буни кўриб, Трамвай билан Троллейбуснинг ҳаваслари келибди. Уйга берилган вазифаларни ҳам унутишиб, ўйинга қандай қўшилиб кетганларини билмай қолибдилар. Автобус акаларига тезроқ уйга боришларини, бўлмаса оналари хавотир олишини айтса ҳам қулоқ солишмабди. Улар узоқ вақт пойга ўйнаб, ўз кўчаларидан узоққа кетиб қолишибди. Фақат кеч кириб, атроф қоронғулашгандагина уйларига йўл қидириб қолишибди. Аммо улар ўйин завқи билан қайси йўлдан, қаерга келганини сезмай қолишган эканларда. Ота-оналари эса улардан қаттиқ хавотир олиб ҳамма ёқни излаб чиқишибди. Автобус болаларни қидиришда ота-онасига ёрдам берибди. Охири уларни майдончадан узоқдаги шаҳар четидан топишибди. Уйга қайтган, Трамвай ва Троллейбус кун бўйи тентираб толмаганлари боис дарсларни ҳам бажармасдан ухлаб қолишибди. Табиийки, эртаси куни "2" баҳо олибдилар. Оналарининг жажли чиқиб, Трамвай ва Троллейбусни қўлларидан симга боғлаб қўйибди. Шундан буён улар оналари кўрсатган йўлдан юридиган, Автобус бўлса одобли бўлгани учун ўзи хоҳлаган жойга борадиган бўлибди.

Нилуфар НОРБОВА,
Ангрен тиббиёт коллежи талабаси



Азамат Отабоев. "Тоғ манзараси".

"ШАРҚ ЮЛДУЗИ"

2013 йил, 4 сон

Журналнинг илк саҳифаларида таниқли ёзувчи Аҳмаджон Мелибоевнинг "Маънавий юксалиш йиллари" мақоласини ўқийсиз. Унда муаллиф кейинги йигирма икки йил ичида мамлакатимизда давлатнинг бош ислохотчилиги ва халқнинг азму қарори билан амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ҳақида ҳикоя қилади.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти лауреати Муҳаммад Али "Улуғ салтанат" роман-тетрологиясининг "Шоҳруҳ Мирзо" номли сўнгги асарини ўқувчиларга тақдим этган. Романда 1399-1409 йилларда содир бўлган воқеалар тасвирланган. Ушбу асар сюжети ниҳоятда муҳим ўрин тутувчи тафсилотлардан бири Анкара жангидир.

Журналнинг ушбу сони мундариҳасига салмоқ бағишлаган бошқа асарлар қаторида Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзонинг

янги туркумини, Кўчқор Норқобилнинг "Биз ҳам одаммиз" пиесаси, Омонулла Мадаевнинг "Халқ дostonлари генезисига доир" тадқиқотини ва Йўлдош Сулаймон ижодий меросидан намуналарни таъкидлаш ўринли. "Муазам шарқ дурдонасидан" руқнида Жалолиддин Румийнинг "Маҷолиси сабъа" (Етти мажлис) асарининг давоми — иккинчи ва учинчи мажлисларидан баҳраманд бўласиз.

"Биз Алп Эр Тўнга (Афросиёб) шахсиятига мурожаат қилиш орқали, аслида ўзлигимизга, ... "Туркнинг бош бўғини" (Амир Темури) бўлган ўзбек халқининг азим ва қадим тарихига мурожаат қилган бўламиз", деб ёзади тарихчи Қаҳрамон Ражабов "Алп Эр Тўнга — Турон хоқони" мақоласида.

Шеърятимизнинг навқирон ав-

лоди вакилларида Нодир Жонузоқ, Замира Рўзиева, Алишер Нарзулло, Дилором Исмоилова, Абдуразоқ Оброй, Нодира Баротова, Файрат Мажди шеърларини, Биби Робиянинг "Куз ёмғири" ҳикоясини ҳамда бир гуруҳ қашқа-

Журналларни варақлаганда

дарёлик ёш қаламкашларнинг ижодий машқлари, таниқли қорақалпоқ шоири Кенгесбой Каримовнинг бир туркум шеърлари, Тилаб Маҳмудов "Ҳикматлар"ни ҳам журналнинг ушбу сонидида ўқийсиз.

"Жараён" руқнида берилаётган "Янги авлод овози" сўхбати саволларига бу сонда ёзувчилардан Абдуқайом Йўлдош ва Рисолат Хайдарова жавоб беришган. А.Шер, Д.Салоҳий, О.Олтинбек ва бошқа тадқиқотчиларнинг мақолаларида мумтоз адабиётимиз, замонавий ўзбек поэзияси ва насрининг долзарб масалалари таҳлил ва талқин этилган. Б.Раҳматнинг ёдномаси, С.Иноятнинг болаларга аталган шеърлари ва М.Низоновнинг ҳажвияси ҳам ўқувчилар эътиборидан четда қолмайди.

Бошланғич биринчи саҳифада

Бу даврда Ўзбекистонда замонавий, ҳаракатчан, яхши қуролланган, мураккаб стратегик ва тактик вазифаларни самарали бажара оладиган, ҳар қандай тажовузуларга қарши муносиб зарба бера оладиган армияни барпо этиш, Қуролли кучларни энг замонавий қурол-аслаҳа ва жанговар техника билан таъминлаш бўйича улкан ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Қуролли кучлари ўзининг қадимий ва бой тарихий индизлари, бе-

«Урта Осиё халқлари ҳарбий санъатининг ривожланиши» деб номланган учинчи қисмда миллоддан аввалги 323 йилдан бошлаб Кушон даврига Урта Осиё, шунингдек, ҳозирги Ўзбекистон

Китобангазми ўқима

худудидаги ҳарбий юришлар, жанг пайтида ишлатилган қурол-аслаҳалар, жангчиларнинг кийинишлари, жанг усуллари тўғрисида ҳамда археологик тадқиқотлар натижасидаги топилмалар,

даврида 27 мамлакатни бирлаштириб, улкан салтанат барпо этган. Амир Темури ҳокимият тепасига келиши билан ҳарбий соҳада катта ўзгаришлар юз берди, улар Шарқу Фарб ҳарбий-назарий тафаккури тараққиётида муҳим рол ўйнади. Мазкур қисмда Амир Темури ва теурийлар қўшини таркибий тузилмаси, жанг тактикаси ва стратегияси, қўшинлар таркиби, жангчилар либослари, қурол-аслаҳалари тўғрисида қисқача маълумотлар ҳамда музейларимиз коллекцияларидан жой олган ашёлар келтирилади.

Навбатдаги бўлимда теурийлардан кейинги даврлардаги ҳарбий қурол-яроғлар, кийимлар, жанг лавҳалари ҳақида сўз боради. Китоб сўнггида келтирилган тарихий сўзалардан иборат луғат фойдаланувчиларга катта ёрдам беради. Китобни тайёрлашда қадимги юнон, ўрта асрлар муаллифларининг, шунингдек, янги ва энг янги давр тарихчиларининг асарларидан фойдаланилган. Ундаги безаклар Ўзбекистон тарихи давлат музейи экспозицияси ва фондларида мавжуд ҳарбий санъатнинг асл ёдгорликларига асосланган, шунингдек, махсус нашрлардан олинган.

Ушбу китоб ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, халқимиз ҳарбий санъати сирларини, буюк саркардалар Жалолиддин Мангуберди, Амир Темури ва бошқаларнинг ҳарбий фаолиятини ўрганиш миллий армиямизга муносиб зобитлар тайёрлашда муҳим илмий-назарий ва амалий манба бўлиб ҳисобланади.

Абдумажид МАДРАИМОВ,
профессор,
Гулаба ҚАРШИЕВА,
филология фанлари номзоди

"МУЪЖИЗАЛАР ОЛАМИ"

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон тарихи давлат музейида мустақиллигимизнинг 22 йиллигига бағишлаб "Қадр-қимматим, таянчим, ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон" шиори остида тадбир бўлиб ўтди.

Ёш истеъодлардан ташкил топган "Баркамол авлод" рақс ансамбли ижросида ихчам дастур йиғилганларга яхши кайфият улашди.

Маълумки, 2011 йил музей қошида Марказий Осиёда ягона "Муъжизалар олами" болалар музейи ташкил этилган.

Анжуман доирасида мазкур музейда ўтказилган маҳорат дарсларида фаол қатнашган жажжи истеъодларга фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари топширилди. Тасвирий санъат йўналишида Мадина Тоҳирова, қулолчиликда Сервер Хартави ўғли, каштачиликда Хадичабону Исмоилова номлари алоҳида эътироф этилди.

Тадбир доирасида "Обод юрт фарзандиман" номли болалар кўргазмаси ўтказилди. Унда болалар ўзлари танлаган йўналишда маҳоратларини намойён этиб, ота-оналари ва мухлисларни қувонтирдилар.

Ёш истеъодлардан ташкил топган "Баркамол авлод" рақс ансамбли ижросидаги ихчам дастур йиғилганларга яхши кайфият улашди.

Анжуман меҳмони "Жайхун" кўғирчоқ театри бадий раҳбари, хунарманд-уста Мансур Қуръазовнинг "Кўғирчоқ рақси" томошаси катталарга ҳам, болаларга ҳам бирдек завқ бағишлади.

Мухлиса ХОЛМАТОВА

Интернет хабарларидан.

ЎЗБЕКИСТОН ҲАРБИЙ САНЪАТИ ТАРИХИ

такрор аънаналарига эга. Буни мамлакатимиз заминиди жуда олис замонлардан бошлаб шаклланиб, ривожланиб келган ҳарбий санъат ва шу соҳадаги урф-одат ва қадриятлар тасдиқлайди. Ана шу тарихий акс эттирган ушбу албом-китоб 8 қисмдан иборат.

Биринчи қисмда ҳарбий санъатнинг шаклланиши, қурол-яроғнинг дастлабки турлари, Ўзбекистон худудида палеолит даври манзилгоҳларидан топилган қурол-аслаҳалар, бронза даврида юзага келган ҳарбий жанг санъати стратегияси ва тактикаси, жанг қилиш усуллари хусусида фикр юритилган ҳамда музейларимизда сақланаётган жанговар қуроллардан намуналар келтирилган.

Иккинчи қисм «Урта Осиё халқларининг форс ва юнон-македон истилочларига қарши кураши» деб номланган, миллоддан аввалги VI аср ўрталаридан бошлаб ахамонийлар даври, Хоразм подшолиги даврида сақлар, сугдлар, хоразмийлар ва бактрларнинг форс ва юнон-македон истилочларига қарши олиб борган жанг усуллари, халқ вакилларининг беқийс қаҳрамонликлари ва озодлик кураши босқичлари (Диодор) хусусида маълумотлар келтирилган.

деворларда акс эттирилган жанг лавҳаларидаги композициялар изоҳи келтирилади.

Китобнинг тўртинчи — «Кушон давлатида ҳарбий санъат» қисмида Фарб ва Шарқ мамлакатлари билан кенг сийсий ва савдо алоқаларини ўрнатган, қудратли ва мустақил давлат Кушон даври ҳарбий фаолияти хусусида, жумладан, Кушон давлати қўшинлари, жанг вақтида фойдаланилган қурол-аслаҳалар, кийимлар, мудфоа-истехком (фортификация) тизими, шунингдек, археолог олимлар олиб борган тадқиқотлар натижасида топилган ашёлар келтирилган.

«V — VII асрларда Урта Осиё ҳарбий санъати. Эфталлийлар давлати ва турк ҳоконлиги» деб номланган бўлимида эфталлийлар ва турк ҳоконлиги даврига оид ҳарбий Варахша саройи ва Афросиёбдаги деворий суратлардан парчалар келтирилган.

Китобнинг олтинчи қисми VII — XIII аср бошдаги ҳарбий санъатга, еттинчи қисми Темурийлар даври ҳарбий санъатига бағишланади. Ҳарбий санъатнинг энг юксак босқичга қўтарилиши, шубҳасиз, Амир Темури фаолияти билан боғлиқ. Сохибқирон 35 йиллик ҳукмдорлик

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЙ
ВА СЮРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
ЎЖИМАСИ

ҲОМИИ: "МАТБУТ ТАРҚАТУВЧИ"
АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈИСИ



**O'zbekiston
adabiyoti va san'ati**

Манзилнинг: Тошкент — 100083, Матбуотчилик кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилнинг: uzas@mcs.uz
Котибият — 233-49-93

Тақдир ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош
муҳаррир
Саъдулла
ҲАКИМ



Тахририятга келган қўймақлар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқланishi мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Гулчехра УМАРОВА
Саҳифаловчи — Элёр МАХМУДОВ

«Шарқ» нашрийт-матбаа
акциядорлик компанияси босмаҳонаси.
Босмаҳона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-ўй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 22.28

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигиди 13.06.2007 йил 0283-рақам
билан рўйхатга олинган. Аҳди — 4334 Буюртма Г — 944. Ҳажми — 3 Босма табак А-2.
Нашр қўрсатқичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ
ЭРКИБ.

ISSN 2181-614X



472181614000